

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмиirlарининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 94-95 (6934-6935)
1998 йил 1 декабрь, сешанба

Сотувда эркин
нархда

Хурматли Олег Аҳмедовиҷ!

Ҳабарингиз бор, шу кунларда республикамизда вакъти матбуот нашрларига қизғин обуна давом этаси, ҳатто марказий телевиденисинг қатор баҳсли кўрсатувлари ҳам кейинги пайтлари айнан обуна мавзусига бағишланяпти. Албатта, бу бекиз эмас.

Мамлакатимизда чинакам ижтимоий ислоҳотлар даври бошланди. Энди турмушимизнинг барча жабҳасида маънавий кўтарилиш булиши шубҳасиз. Шундоқ экан, матбуот ҳаётнинг илгор сафида бориши керак. Айниқса, болалар ва ўсмиirlар матбуоти, хусусан, «Тонг юлдузи» газетаси ёш авлод онгига биринчи булиб ислоҳот шабадасини олиб кириши лозим булади.

1999 йилда ҳаётнинг туб бурилиш булишини иҷиҷимиздан сезиб турибмиз. Энди бундай яшаб булмайди.

Хуш, биз келажагимиз булмиш ёшларни эртага адолат тантанаси учун бошланжак издиҳомдан мардонавор олиб ўтиш учун ниша қилишимиз керак?.. Ҳозирча бу ҳақда аниқ бир нарса дейиш қийин. Лекин ҳаёт билан ҳамқадам бўлган газетамиз, насиб этса, ҳар доим ўқувчи дилида, тилида бўлган гапларни афкор омма эътиборига ҳавола этади.

«Тонг юлдузи» мудом адолат тарафдори, адолат ҳимоячиси булиб қолади.

Гап обуна масаласига келиб тақаляпти.

Олег Аҳмедович, биз Сизга ўтган йили газета-

миз номидан қайта-қайта муружаат этдик, обуна масаласида ёрдам беришингизни илтимос қилдик. Сиз булсангиз, «ўйлашиб кўрамиз», дейишидан нарига ўтмадингиз. Тўгрисини айтганда, бевосита ўзингиз масъул бўлган соҳага панжа орасидан қардингиз, натижада обуна бултур хўжа кўрсинга бўлди. Ма-

на бу йил ҳам ноябрь ойининг охиригача бўлган обуна кўрсаткичлари Сизнинг уша совуқ муносабатингизни яққол кўрсатиб турибди. Тошкент вилояти буйича «Тонг юлдузи»га бор-йуги 46 нафар ўқувчи обуна бўлган, холос. Ваҳоланки, салқам ярим миллион мактаб ўқувчиси бўлган

Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси раҳбари диққатига

Тошкент вилоятида атиги 700 сўм билан бир йилга обуна бўлиш мумкин. Фаргона вилоятида эса «Тонг юлдузи»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 1378 сўм бўлса, Хоразм вилоятида 1668 сўмдир. Фаргоналик ўқувчилардан тўрт минг (4000), наманганлик

адо этишлари мумкин. Аммо эндиғина фуқаролик туйгуси, ижтимоий адолат туйгуси шаклланаётган авлод тез-тез дастурлари ўзгараётган дарсликларни ўқиб на у ёқлик, на бу ёқлик булади. Ҳатто ишончли экстремистик оқимлар кетидан эргашиб кетиши ҳеч гап эмас! Демокчимизки, замонталабларини акс эттирадиган, тезкорлик билан долзарб масалаларга жавоб қайтарадиган, болалар ва ўсмиirlар нашрлари уларни миллатпарвар, элпарвар руҳда тарбиялаши мумкин.

Ҳатто қаттол большевиклар ҳам матбуотнинг беқиёс аҳамиятини биларди. Шунинг учун бир хонадонда беш нафар ўқувчи бўлса бешта «Лескин учкуни» уларни ўйқлаб келарди!

Сизга ёзилган очиқ хат баҳона Хоразм (129 обуначи) Қорақалпоғистон (60) Навоий (31) Сирдаре (829) Андижон (728) Қашқадаре (424) Сурхондарёдаги (941) хўжа «биров кўрсинг» учун обуначи «йигиб» берган вилоят Халқ таълими бошқармаси бошликлари ҳам болалар ва ўсмиirlар тарбиясига бефарқ қарамайдилар, элим деб, юртим деб ёниб яшайдилар, деб ўйлаймиз.

Сизга ҳам шуни тилаймиз, ҳурматли Олег Аҳмедович!

БОШ МУҲАРРИР.

Пулуни «почтага» га элтиб бериб, ўқувчиларга тўлов қофозларини келтириб берди. Дарвоҷе, ҳар шаъба куни бўладиган тарбиявий соатда муаллима айнан «Тонг юлдузи»дан «кўргазмали курол» сифатидаги фойдаланади.

Ўз мухбиришимиз.



РАҲМАТ, МУАЛЛИМА!

Пойтахтимиздаги Миробод тумани 218-мактабнинг 6-«Б» сиф ўқувчилари «Тонг юлдузи»га ўз фоиз обуна бўлишиди. Жонкуяр ўқитувчига Азиза опа Истроилова болалар тўплаб берган обуна

Мен 100-максус мактаб-интернатда ўқийман. Бу интернатда асосан полимиелит ва церебрал фалаж касаллиги билан оғриган болалар таҳсил оладилар. Мени бу ерга ўқишига олиб келмасларидан олдин махсус бөгчага борар эдим. Ота-она менинг соғлигимдан доимо ҳавотир олиб, ҳали у, ҳали бу дўхтириларга олиб бориб кўрсатишар, бунинг устига буюрилган дорилар жуда қимматлиги ва ноёблигидан кўп сарсон бўлардилар. Ёшим еттига тўлган булишига қарамасдан яхши гапира олмас, бошим ва гавдам ўзимга бўйсунмас эди. Тенгкурларим билан ўйнагим, ўргим,

3 декабрь — ногиронлар куни

БИЗ НОГИРОН ЭМАСМИЗ!

юргум келиб, қоқиниб-йиқилиб ҳар ер, ҳар ерим қашқа бўлгани-бўлган эди. Мана, ҳозир интернатда ўқиямдан. Батамом тузалиб кетмасам-да, худога шукр, интернатимиздаги жонкуяр шифокору ҳамширалар, тарбиячи опалариму ўқитувчимиз Дилором опамларниң мashaқатли меҳнатлари ва далдаларидан қиёфамда ҳам, ўқиб- ўрганишимда ҳам яхшилик томон силжиш бор. Интернатимизда замонавий жиҳоз-

лар билан безатилган синфоналар, спорт зали, физиотерапия, уқалаш хонаси ва мажлису моросимлар зали бизгадоимо мунтазир. Дарсдан сўнг ҳоҳласак телевизордаги болалар учун мўлжалланган кўрсатувларни, ҳоҳласак тарбиячи опаларимиз биз учун олиб келган видео сериалларни кўриб дам оламиз. Интернатда доимо шифокор назоратида бўлиб, ҳам ўқиймиз ҳам даволанамиз.

Яқинда интернатимизда кат-

та ёпиқ бассейн ишга тушиб бизни янайм кувонтириб юборди. Энди биз қишин-ёзин сувда сузиб, соғлигимизни тиклашга ҳаракат қилаялмиз.

Интернатимизда ҳар бир байрам ўзига яраша нишонланади. Айниқса Наврӯз байрами ва Ноғиронлар куни катта тантана билан ўтказилади. Бундай кунларда мактабимизга жуда кўп меҳмонлар ташриф буорадилар. Саҳоватпеша опа ва акаларимиз катта-катта совгалар билан келиб, бизни жуда хурсанд қи-

ладилар. Шу кунлари мактабимизда катта қозонларда ош дамланади, машҳур санъаткорлар концерт номерларини кўрсатадилар. Хуллас бизнинг интернатимиз ўзимизни ногирон деб билмай, келажакда ўз билимимиз билан жамиятга керак эканлигимизни ҳис қилиб яшашга ундумоқда. Ҳа, биз ногирон эмасмиз! Бизни қўллайдиган, катта ҳарфлар билан ёзиладиган, ОДАМИЙЛИКка ўллайдиган халқимиз бор, инсонпарвар жамиятимиз бор!

Рахмат Сизга, Яхшилар!

Ихтиёр МАҚСУДОВ,
Тошкентдаги 100-максус
интернат мактаби ўқувчиси.

— Энг катта азоб чекадиган киши айтганларига үзи амал қылмаган кишилер.

Ваҳолангки, унинг ўргатганларини эштиб, амал қылганлар нажот топишади. Илми билан амал этмаган олимнинг вазънасиҳати, ҳарсанг тош устига тушган ёмғир томчиси янглиг күнгилларга таъсир этмай, сиргалиб кетади.

— Олим хатога йўл қўйса, оламдан бир жамоат ҳам у билан бирга хато қиласди.

Замоннинг бузилишига уч нарса сабаб бўлади: шуардан бири олимнинг хатосидир.

Дилфуза ЗОХИДОВА.

— Илм дунё учун эмас, унинг юксалиши учундир.

— Илм ўрганиб, унга амал қылмаслик далани ҳайдаб, уруг экмаслик кабидир.

— Илм хазина, сурок унинг калитидир.

— Инсон ҳаётни нон, сув билан, инсонийлиги эса уқимоқлидир.

— Инсон аввало илм ўрганмоғи лозим, чунки илм йўлда йўлчи, тўғри, чиройли ҳаётга бошловчиидир.

— Илм ўрганиб унга амал этмаслик бадбахтлик белгисидир.

Гулбаҳор КОДИРОВА.

— Ҳеч бир вақт йўқки, илм билан машгул бўлиш ҳасрат ва қайгуни йўқ этмасин.

— Такабурлик ва димодорлик билан ўқилган илмдан фойда йўқдир.

— Инсон, ўрганинни ўргатаркан, хатосини тушунган вақтда олим бўлади.

— Илм чиройи бойлик чиройидан устундир.

— Фақир олим бўлиш жоҳил бой бўлишдан яхшидир. Чунки мол-дунё кетса бойлик, илм кетганда эса инсонийлик йўқолур.

— Илм кўп ривоят қилиш эмас, балки қалбга инъом этилган нурдир.

— Толиби илмлар аҳли вафо бўлмоқлари керак.

— Фисқ-фасодчи ва муходиғ бўлганга илмдан сўзлаш сотқинликдир.

— Илмнинг афзали лозим бўлганидир.

— Илмдан олдин инсон одоб ўрганинги лозим.

Пошшоҳон КЕНЖАЕВА.

— Илму урфонсиз мажлиса ҳайвонлик ҳокимдир.

— Ҳақ Таоло яқин қулига талабсиз илм эҳсон этади

— Олим-илмини нафс ҳокимига қурол этмагандир.

— Яратганин кўйиб, яратилганга буйин ётган олимга ҳайронман.

— Илм ўрганингиз. Кийин, аммо савоби каттадир.

— Бир ҳалқнинг кичиги, агар у илм соҳиби бўлса, улугдир.

— Илм нафсни ислоҳ этар, деб үзи яхшиликка юрмаган кимсас фосиқдир.

— Бир олим кундузини ёмонликда, кечасини жоҳилликда ўтказса, ундан яхшилик кутилмайди.

— Илм соҳиби, илмга амал этганидир.

— Олим бўлганга оз насиҳат фойда бермаса жоҳилдан кўра зарарлидир.

— Жиддий олимлар, вақт-

ларини бойлар ҳузурида сарф килмайдилар.

Абдумалик Курбонов.

Бир донишманддан:

— Қандай бойлик йигайлик? деб сўрашибди.

— Кема чўкаётганда сиз билан қоладиган бойликни, — деб жавоб берди.

Бу ерда кеманинг чўкиши дейилгандан инсоннинг ўлими назарда тутилмоқда. Шундан маълум бўладики, у билан қоладиган сармоя — билимдир. Улимдан сўнг вужуд йўқ бўлса ҳам, билим руҳ билан қолади.

Айтишларича, ҳикматга риоя қилган кишига ҳамма эр-

ларини бойлар ҳузурида сарф килмайдилар.

Абдумалик Курбонов.

Бир донишманддан:

— Қандай бойлик йигайлик?

— Кема чўкаётганда сиз билан қоладиган бойликни, — деб жавоб берди.

Чунки улугларнинг саъи-ҳаракати билан инсонлар инсонийлик савиясига эришадилар.

— Олим бўлган инсон илмдан бир қисм олмоғи керак.

— Ўқитувчини уч хислати талабага катта неъматдир:

1. Ўқитишда сабр.

2. Талабага нисбатан камтарлик.

3. Гузал ахлоқ.

— Талабанинг уч хислати ҳам муаллим учун неъматдир:

1. Ақл.

2. Тарбия.

Энг буюк шарафдир.

— Илмнинг закоти уни ўртатмоқдир.

— Илмий мавзулар билан машғул бўлмоқ, жиҳод этмоқ кабидур.

Садоқат САФОЕВА.

— Эзгулик мол-мулк ва фарзанднинг кўплигига эмас, илмга эътибор ва солиҳ амал қилмоқлидадир.

— Илм бўлмагунча тақво бўлмас.

Олим амал этмагунча илм соҳиби ҳисобланмайди.

— Олимлар ҳаётлигига улардан илм ўрганинглар, фойдаланиб қолинглар.



Болалигимда ўлдузли осмонга тақорор-таккор ҳайрат ва завқ билан тикилардим. Улар орасида биттаси негадир менинг ўзига кўпроқ жалб этар, бошқалардан янада нурлироқ жозиба бордек туюларди. Бу ўлдуга шунчалар мөхрим тушган эдик, хатто отам, онам, дўстларимга «Бу менинг ўлдузим», — деб айтишига бошлагандим.

Суюкли «Тонг ўлдузи» газетамиз саҳифаларини варақлар эканман, ана шу ва болалигимда ёки юнайтилганда. Иккя фарзанднинг отаси бўлиб қолганимга қарамай, уни завқ, энтиқиши билан ўқийман. Ва «Бу менинг газетам», — дейман беихтиёр...

Олган билиминг, сарф этилган меҳнатинг самарасини кўриши нақадар қувончили. Зоро, бир донишманд «Илмнинг боши — тингламоқ, ниҳояси эса уни муҳофаза этиб, нашр қилмоқдир», — дейди. Сизнинг ака ва опаларингиз — Дорил фунунда турк тилини ўрганаётган менинг талабаларим ҳам илк таржималарини «Тонг ўлдузи» газетасида кўрганларида қанчалар севинишиди... Хозир улар газетанинг ҳар бир сонини мароқ билан ўқишишоқда.

Мана бугун турк тилини эндиғина ўрганишига киришган ака-опаларингиз дастлабки таржима-машиқлари билан яна сизнинг ҳузурингизда.

**Абдумурод ТИЛЛАЕВ
ТошДД ўқитувчи**

гаҳади ва уни йўлбошчи деб қабуб қиладилар. Донишмандлар ҳамиша иззат-икромда буладилар.

Билиминг ўзига хослиги шундаки, ундан озгина бўлса ҳам улущ олган киши севинади, олмаганлар эса ғамга ботадилар.

Рахбарликка олимларигина лойиқдир. Билимсиз улугликнинг охири зулматдир.

Бир олим деди:

— Қулликдан озод бўлгач, ўзимга иш ахтардим ва илм билан шугуулана бошладим. Билим соясидаги жуда оз вақт ичида казо-казо кишилар ҳам зиёратимга келадиган бўлишиди.

Бир донишманднинг отаси унга ёзган хатида, «Ўқи! Чунки билим камбагалнинг бойлиги, бойнинг эса зийнатидир», деган экан.

Баҳор ёмғири ерни кўкартирганидай, илму ҳикмат ҳам киши қалбини поклайди.

Үқимасдан улуглик исташ ҳайратлантирувчи ҳодисадир.

Олим ва талаба эзгуликда баробардир. Ёки олим ё талаба ёхуд тингловчи бўл! Булардан ташқарида қолган ҳалок бўлади.

3. Зако (ақл-заковат)

— Илм, Аллоҳ таолонинг сифати субутиясидандир. Илм инсонни буюк шарафдир.

«Мужодала» сурасининг II оятидан: — «Илм берилганлар учун мартабалар бордир», дея марҳамат қилинади. Олим Аллоҳ таолодан қўрқиши керак. Чунки бутун илмларнинг боши Аллоҳ қўрқувидир. Аллоҳдан бандалари орасида олим билимдонларигина қўрқар, дея буюрилганлар. Илми ошган сайин ҳақиқий илм соҳибидаги қўрқув кучли бўлади. Бунинг аломати, ўрганинг илмга амал қилмоқ, илмни охират сармояси атамоқдир.

«Фойдали илм ўрганинг. Ҳою-ҳавасларга голиб келган илм, фойдали бўлганидир».

Марҳамат Умарова.

— Илмлик мартабаси мартабаларнинг аъласидир.

— Илмдан тўсишлик ҳалол эмас.

— Илм ҳар фазилатга воситаидар.

— Илм энг фазилатли меросидир.

— Илм билан амал қилиши

— Маҳшар куни қаттиқ азобга учровчилар илмлари фойда бермаганлардир?

— Илм ўрганинглар, ўрганишилк ибодат, музокара қилиш мустаҳаб, баҳслашиш жиҳод, ўргатишлик савобидир. Зоро, ҳалол билан ҳаромни ажратувчи илмдур. Илм зулматда қўёш, қўрқинчли ерда ҳамроҳ, ёғизлиқда йўлдош, бегона юргада дўст, оғир вақтда раҳбар, душманга қарши қуродир.

— Ҳақ Таоло миллатнинг фазилатини илмда юксалтурур.

— Илм соҳибининг асарлари турганидир.

— Дунё ва охиратда юқсан мавқеъларга илм билан эришилур.

— Илмнинг гузал ва афзали тафаккур ва эътибордир.

— Инсонларнинг хайрлиси Оллоҳ билан қуллари уртасида восита бўлганлардир. Булар эса пайғамбарлар ва илмiga амал қилган олимлардир.

— Мен олимнинг хатосидан ва мунофиқнинг жанжалидан кўрқаман.</

— Феруза, келинг, сұхбат бошидаң битта масалага ойдилник киритиб олайлик. Майлами?

— Майлли.

— Айтинг-чи, исмингиз нима: Фирузами ёки Феруза?

— Феруза.

— «Ф»дан кейин «и»ми ёки «е»ми?

— Араб имлосида иккала ҳарф ҳам битта «алиф» билан ёзилади. Лекин, араб имлосида умуман ўша белги күйилмаслиги ҳам мумкин. Ким қандай хоҳласа, ўшандай ўқыйверади, — деб изох берди Мунис.

— Менинг исмим Феруза.

— «Ф»дан кейин «и»и ёки «е» ҳарфи ёзилса, маъно ўзгарадими, ўзгармайдими? Шуни сўрамоқчи эдим.

— Билмасам.

— Лугатларда гоҳ «феруз», гоҳ «фируз» ёзилади. Бу сўзниң биринчи маъноси «ғолиб», иккичи маъноси «баҳтли» экан. Яъни, Хиванинг собиқ хони Муҳаммад Раҳимхон ўзига айнан Феруз (ғолиб) деб адабий таҳаллус танлаганды, албатта, «е» ҳарфи) сўз маъноси нинг тўғри ифодаланишига алоҳида эътибор берган эди. Агар у «и» ҳарфини ишлатса, «баҳтли» бўлиб қолишини биларди. Демак, қиз болага «баҳт» ярашади — «и». Тўғрими?

— Тўғри-ю, аммо исмим Феруза.

— Уф-ф, бўпти!.. Богчада нималарни ўргатишади?

— Шеър ўргатишади.

— Сиёсий шеърми?

— Яхши шеър.

— Ёддан биласизми, айтинг-чи?

— Шиша осмонлар тиник, сунбула Зийнатлари билан қайтиб келди куз. Барчани йигимга, теримга чорлаб Мардлик қўшигин айтиб келди куз.

— Э-э, раҳмат! — деб қарсак чалиб юбордик. — Бу шеър кимники?

— Богча опамни.

— Ие, богча опа шоира-ми? Исли нима?

— Шоҳиста.

— Яхши опами?

— Яхши опа.

— Яхши опа қанақа бўлади?

— Яхши опа урмайди, сўкмайди.

— Феруза, боғчаларингда ёмон болалар ҳам борми?

— Йўқ.

— Ёмон болалар қанақа бўлади?

— Уришқоқ бўлади.

— «Дом»ларингда ҳам ёмон болалар йўқми?

— Бор.

— Улар қанақа?

— Кучуги бор.

ФЕРУЗА, НИШОПУРГА БОРГАНМИСИЗ?

ТАНИШУВ



Феруза УСМОНБЕКОВА. 6 яшар. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги боғчага қатнаиди. Боғчага ойиси элтиб қўяди, акаси Дилмурод синглисини эргаштириб қайтади. Уятчан. Унча-мунча одам билан гаплашмайди. Лекин, «Тонг юлдузи» Ферузанинг «тили»ни топди, шекилли. Ишонмасангиз, марҳамат, сұхбат матнини ўқиб кўринг! Жуда қизиқ сұхбат бўлди.

миз.

— Олмани инглиз тилида нима дейишиади?

— «Эппел» дейишиади.

— Нокни-чи?

— Инглиз тилида нок бўлмайди.

— Йўғ-э, наҳот инглизлар нок нималигини билишмаса?

— Бизга боғчада нокни ликопчага солиб кўрсатишмайди.

— Ха-а, гап бўёқда эканку!.. Ўша ликопчага солиб кўрсатиладиган олмани еб бўладими?

— Еб бўлмайди. Чунки боғча опа ўша олмани бошқа болаларга ҳам кўрсатиши керак.

— Ўзингиз нимани яхши кўрасиз?

— Узунчоқ шоколадни яхши кўраман. Нокни ҳам яхши кўраман.

— Феруза, тирик инглизни кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрмаганман.

— Ўртоқларингиз кимлар?

— Наргиза, Дилноза, Зарина...

— Ҳаммаси ўзбекми?

— Билмайман.

— Ие... Феруза, ўзингиз ўзбекмисиз?

— Кучук ёмонми?

—

Кучук қўлимни тишлаб олган.

— Йиглаганмисиз?

— Ха.

— Богчада яна нималарни ўргатишади?

— Инглиз тилини ўргана-

— Йўқ, ўрисман.

— Ростданми? Ўзбекка ўхшайсиз-ку?!

— Билмасам.

— Адангизнинг исми нима?

— Равшанбек.

— Ойингизнинг исми-чи?

— Қумрихон.

— Гўштни-чи?

— Гўшт овқатга солинади.

— Ўша гўшт кечаги тирик кўй эмасми?

— Йўқ, гўшт қассобхонада бўлади.

— Неччигача санаши биласиз?

— Билмасам.

— Ўртоқларингиз билан нималар тўғрисида гаплашасизлар?

— Келин кўрдик, деб гаплашамиз.

— Ие, олти яшар болалар ҳам тўйга боришадими?

— Кўчадан машинада ўтиб кетаётган келинларни кўрганимизни гапирамиз. Биз тўйга борсак ҳам, барibir келинни кўрмаймиз.

— Нега?

— Келинлар қоронифида келишади.

— Қанақа артистларни яхши кўрасиз?

— Чиройли кийиниб чиқадиган артистларни яхши кўраман.

— Исмини биласизми?

— Йўқ.

— Феруза, туғилган кунингиз қаҷон?

— Туғилган куним ўтиб кетган.

— Газетамизда суратимиз чиқса, хурсанд бўласизми?

— Ха.

— Чиқмаса-чи?

— Чиқмаса ҳам хурсанд бўлавераман.

— Нишопурга борганимисиз?

— Қаерга?

— Нишопурга, Эроннинг шимоли-шарқидаги шаҳар. Хурсон останасида.

— Йўқ, бормаганман. Ўзи қанақа жой?

— Нимасини айтасиз!.. Уерда улуг аллома Умар Ҳайём (1048—1122) дафи этилган. Бирорта рубойисини биласизми.

— Ўзингиз-чи?

— Ярмини ёддан биламан. Мана бундай:

«Феруза гумбазли осмон остида

Гоҳ чин мусулмонмиз, гоҳ кофир тамом».

— Нега мэндан Нишопурни сўрадингиз?

— Ахир, ферузанинг (жавоҳир) дунёдаги энг катта кони Нишопурдан топилган!

Энг тоза, энг қимматбаҳо ферузалар фақат Нишопурда бўлади.

— Ўзимизда-чи?

— Ўзимизда Қизилкўмда бор. Таркибида Fe, Zn аралашган бўлади. Ҳаворанг, кўкиш тусли; кат. 5—6, зичлиги 2,8—2,9 г/см.3, хира ва мўмийсизмон товланади. Яна саволлар борми?

— Йўқ.

— Чарчадингизми?

— Чарчадим.

— Феруза, ҳеч бўлмаса, муҳбир опангизнинг кўнгли учун чарчамадим десангиз бўлмайдими?

— Йўқ, ростдан ҳам чарчадим.

— Үндай бўлса, узр. Ҳўп, сешанба куни учрашгунча хайр!

— Хайр!

Гулюз сұхбатлашди.

— Акангизнинг исми нима?

— Дилмурод, ўн биринчи синфа ўқийди.

— Ана, ҳаммаси ўзбек экан.

Сиз ҳам ўзбек бўлсангиз керак?

— Ўзбекман, — деди Феруза ниҳоят.

— Раҳмат-э! Келинг, энди шу гапингиз учун ўпиб қўяй!

— Биз Ферузанинг пешонасидан ўпиб қўйдик. — Катта қиз бўлинг!.. Айтмоқчи, катта бўлсангиз ким бўласиз?

— Тиш дўхтири бўламан.

— Тишингиз оғрийдими?

— Йўқ, сизга ўхшагим келади.

— Ў-ӯ, ташаккур! Феруза, ойингиз нима иш қиласиди?

— Овқат қиласиди.

— Адангиз-чи?

— Ишда бўлади.

— Акангиз ойингизга ёрдам берадими?

— Мен ёрдам бераман, акам балиқларига овқат беради.

— Яна нималарни яхши кўрасиз?

— Қўённи яхши кўраман.

— Қўённи еб бўладими?

— Йўқ, еб бўлмайди...

Кўённи бўри ейди.

— Кўйни еб бўладими?

— Йўқ...

— Йигирмагача.

— Домла, адабиётга, санъатга берилган ўспирин күнглига муҳаббат эртариқ келади, дейишади. Сиз ҳам бундан мустасно бўлмагансиз, чоғи?

— Аксинча. Қизларни жуда ёмон кўрадим. Уларни қийқиртириб қувиб юрадим. Ҳатто урадим ҳам. Ниҳоятда шўх, тизгинсиз бола бўлган эканман. Бир қарасанг, артист бўлгим, бир қарасанг, дорбоз бўлгим, бир қарасанг масҳарабоз бўлгим келарди. Қаерда бирон қизиқ одамни кўрсам, ўшанга уҳшагим келаверарди. Самарқанд дарвоза маҳалласига дор келганда бир масҳарабоз қопдаги шиша синиқларини бўйрага тўкиб, устида ялангоёқ ўйинга тушди. Мен ҳам ўнтача шишани синдириб, устига девордан сакраганман, сўнг икки-уч хафтагача қўлтиқтаёқда юрганим эсимда. Дор ўйнаб, ииқилиб оғим синган. Дараҳтдан, томдан қудаб беш мартача қўлим чиққан. Ҳар гал қўлим чиққанида, Лабзакдаги Махсум табибга олиб бориб, қўлимни тахтакачлатиб келишарди.

— Гапларингизга қараганда, ўтганинг ўроғини, кетганинг кетменини олиб қочадиган бе-

вош бола бўлган экансиз. Оиласда нечта фарзанд эдингизлар?

— Уч акам, уч опам бор эди. Мен кенжатой эдим. Дарвоқе, биринчи муҳаббат тўғрисида гапираётган эдик. У пайтларда қизларда ҳам, йигитларда ҳам ибо, шарм-ҳаёл баланд эди. Кўчада қиз

шиб, йигитлар билан кинога бориш, ҳилват боғларда сайр қилишайб бўлмай қолганди. Энди гина бўйга етиб, қизларга гап ташлайдиган пайтим келганда, уруш бошланиб кетди. Кийим-бошим тўзиган, ранг-рўйим бир алфозда... Менда қизларнинг ку-

Сайд АҲМАД, Ўзбекистон Ҳалқ ёзувчиси

«ҚИЗЛАРНИ ЁМОН КЎРАРДИК»

Яқинда «Шарқ» нашиёт-матбаа концернида атоқли адабииз Сайд Аҳмад домланинг «Йўқотгандарим ва топгандарим» номли хотиралар китоби чоп этилди. Келажакда ёзувчи ёки шоир бўлишни орзу қилиб юрган ёш авлод ушбу китобни албатта ўқиши керак. Унда ибратомуз гаплар кўп экан. Қуйидаги ўша китобдан олинган (284-285 бетлар) жажжи парча муштариҳ ҳукмига ҳавола этиляпти.

боланинг ўғил бола билан гаплашиб туриши катта айб саналарди. Оврупонинг беҳаёл одатлари ҳали биз томонларга етиб келмаганди. Ўпишиш қаёқда, қўлтиқлашиб юриш қаёқда, ҳатто қўл бериб кўришиш ҳам гуноҳ саналарди. Бечора йигитлар яхши кўрган қизлари ўтган кўчаларнинг ҳавосини ҳидлаб, фингшиб юришарди. Худога минг қатла шукрки, мен вояга етганимда баъзи қизлар унча-мунча «беҳаёл» ла-

зини ўйнатадиган ҳусн ҳам йўқ. Унақа нотовонни қизлар бошига урадими! Шу алфозда ёшлигим ҳам ўтиб кетди. Бирон қизни ўпмаганман, десам, албатта ишонмайсиз. Ишонмайтўғри қиласиз. Насибамга яраша Худо етказганини ўпган бўлсан, ўпгандирман. Эсимда йўқ. Хотирамнинг мазаси қочган, «склероз» бошланяпти, шекилли...

— Болалик чоғларингизни эслаганингизда, энтикиб кетади-

СОЛНОМАДАН САҲИФА

ган бирон воқеанинг айтиб бера оласизми?

— Болалигим, ёшлигим оғир ийларга тўғри келган. Катталар тортган кўргиликларни, биз болалар ҳам татиб кўрганмиз. 33-йилда ўйимизни тортиб олиб, детдом қилишди. Кесак-қўргондан бир чордевор ҳовли топиб, кўчиб бордик. Барига тинч қўйишмади. Ўйимизни тез-тез тинтуб қилишиб, қўлларига илинган нарсаларни олиб чиқиб кетаверишди. Ана шундай кунларнинг бирида ўйимиздаги ёзув столини молия идорасига керақ, деб опчикиб кетишмоқчи бўлишди.

— Кимлар?

— Молиячилар-да! Онам дод солиб столга ёпишди. Молия агенти уни туртиб юборган эди, онам бечора столга урилди-ю, ҳушидан кетди. Кейин билсак, биқини эзилиб кетибди. Сал кундан кейин бир оғи узилиб кетган қиз туғди. Синглим жуда чиройли эди. Беш ёшга етаретмас оламдан ўтди. Эсласам, бутун вужудимга титроқ киради.

Кулмон ОЧИЛ сухбатлашди.



ИНШИЛАНДА ПОЛЕ ЁР

Ўтирмаиман бош қашиб,
Қатнайман тўғаракка;
Юртни қилгани машҳур
Тадбиркорлар керак-да!

Ўрганаман чет тилин,
Кунт айласам мен
сал-пал,
У ҳам бўлар жўн тилим,
Ёзувим топар сайқал!

Ўзгармайди шиорим
Билим олиши иўлида.
Бу ишда мададкорим —
Она тилим — дилимда!

Ўқиб, ҳам ўрганишга
Интилганим интилган.
Ҳар соҳада, ҳар ишда
Тил билганилар зўр бўлган!

КИМ КЎРКОК?



ОЛХУРИ

Қораймоқда олхўри,
Ширин бўлар мураббо!
Ҳой, саватга сол, Ҳури,
Нафсинг ёмон-да, оббо...

Десам, у тингламади,—
Ер юзи тўла данак...
Сал ўтмай букди қаддин,
Қорнини ушлар, демак...

Эртасига Ҳурижон
Гапимга кулмай қўйди.
Бир кун бўлиб яримжон
Олхўри емай қўйди!..



— Қоронгудан қўрқаман,
Юргин, — дедим акамга.

— Гугурт олиб чиқаман! —
Акам туртди елкамга.

Ҳовлига чиқсам, акам

Эшикни ёпиб олди.

Мен олға юриши, ҳам —

Қайтишни билмай қолдим.

«Ўша гаплар

ростмикан —

Инсу жинс, алвастилар?...»

Худди қоронгуликдан

Овоз келди: Муз-за-аф-

фа-ар-р!..

Қўрқмадим,

Бор, таваккал!

Деразадан тушар нур...

Эшикни очди акам:

— Жо-о-он укажон,

Қараб тур?..

СОҒИНИБМИЗ

Етиб келди ёз: Таътил

Мактаб бағри бўм-бўш...

Хўш,

Ўтирасак бурун тортиб,

Дерлар, икки қўлинг бўш!

Кетдик, копток сурамиз
Мактаб ўйингоҳида!

Қоровулми?

Сўраймиз...

Рұхсат берар гоҳида!

— Ассалому алаикум,

Амаки, яхшимисиз?

Айтди манови Ҳаким

Спортга қаршишишсиз!?

Футболни севаман, денг?

Унда бўлингиз ҳакам!

Ойна синмайди, келинг,

Синса — тўлайди Ҳаким!..



Йккинчи бор бу гапни

Айтмайди у, кечиринг?..

... Соғинибмиз мактабни,

Уйга қайтдик...

Кечқурун!

ҚУЛОҚСИЗ

Сотволди излаб кўра

Бошини қилди курра.

Ўрик шохи «қарс» этди, —

Шоирлар болаларга



Собир ЖАББОР.

Кўринг энди концертни...

Буласи койиб, деди:

— Маза қилдингми энди?
Айб ўзингда, болам,
Нечун бу иши — алам?

Чумчук излаб Сотволди
Том четига ётволди.
Энгашиб қўлин чўзди —
Эплолмай қолди ўзни...

Насиҳатни олмагач
Оёқ-қўли бўлди ганч...

Ҳафта ўтиб, буласи
Элтиди ўрик мевасин.
У-чи, ётар ҳиқиллаб
Полопондек чирқиллаб...

ЁШИ ИҚТІСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

"Тонг юлдузи"га илова
иқтисодий газета



СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига багишлаб ҳуқуқ фани ўқитувчимиз Ҳакима опа Назарова бошчилигига "Сиз қонунни биласизми?" мавзусида ўткир зеҳнилар беллашуви бўлиб ўтди. Унда 9-“В” ва 9-“Б” синф ўқувчилари беллашдилар. Улар шу мавзуда деворий газеталар, альбомлар, рефератлар тайёрладилар. Қонунлар тўғрисида савол - жавоб бўлди. Агар жавоб қониқтирмаса, ўзлари тўлдирилар. Кейин рақслар ижро этилди. Сўнгра 9-“В” синфи “Шахсга қарши жиноят” тўғрисида, 9-“Б” синф ўқувчилари эса “Безорилик оқибатлари” тўғрисида саҳна кўриниши қўйишиди. Мактабимиз директори Тоҳир ака Саъдуллаев, ўқитувчилардан Зулхумор опа Йўлдошева, маърифат ва маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари Малика опа Аҳмедолова ҳайъат аъзолари бўлишиди. Бу кўрик-танловда 9 - “В” синф жамоаси 24 балл, 9 - “Б” синф жамоаси ҳам 24 балл тўплашиди. Кўрик-танлов баҳона мактабимиз ўқувчилари ҳуқуқ ва қонунлар тўғрисида кенг маълумот олишиди.

Маъмура АЗИМОВА,
Тошкент шаҳридаги
111-ўрта мактабнинг
9 - “В” синф ўқувчisi.



БУЮК АЖДОДЛАРИМIZ ШУЪЛАСИ

Республика ўкувчилар техник ижодиёт Марказида "Ином ал-Бухорий ва унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни" ва "Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги" мавзуларида конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда тўгарак аъзолари Ином ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва ижодлари ҳақида маърузалар ўқидилар.

Тўгарак аъзолари боболаримизга багишлиган шеърлардан, ҳаётларидағи қизиқарли ва ёшларга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тарихий саҳналарни ижро этилар. Конференция орқали тўгарак аъзолари ва ўкувчилар мактабда олган билимларини янада бойитдилар.

Конференцияга республика ўкувчилар техник ижодиёт Маркази Маънавият ва ўкув тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Х.Т.Зокирова, кутубхона мудираси Г.М.Жалилова, услубчи З.Х.Кодирова, С.Р.Ирматова ва тўгарак раҳбарларини, мактаб ўкувчиларини ва ўқитувчиларини ҳам таклиф этдик. Конференция қизиқарли ва мазмунли ўтди.

Комила ҚОДИРШОЕВА,
Республика ўкувчилар
техник ижодиёт Марказининг
маънавият ташкилотчиси.

Қадрли болалар!

Мана, уч ойдирки "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаб конкурсимиз давом этмоқда. Бу давр ичидан сизлардан юзлаб хатлар олдик. Энг аввало, сизларга конкурсада қатнашиш мақсадида, газетамизда бериб борилаётган топшириқларни ечиб, бизга йўллаганингиз учун миннатдорчилек билдирамиз. Айниқса, қўйидаги ўкувчиларнинг жавоблари бизни ниҳоят хушнуд этди:

НАВОЙ ВИЛОЯТИДАН:

Қизилтепа тумани, 13-ўрта мактаб ўкувчиси Шуррат Қодиров, Бухоро жамоа хўжалигидан Марҳабо Исоқова, Навоий шаҳри, 11-мактаб ўкувчиси Шавкат Жумайев, Хатирчи тумани, 74-мактаб ўкувчиси Азим Уринов, Нурота шаҳридаги 1-мактаб ўкувчиси Умид Рустамов ва Хулкар Хўжамова, Навбаҳор тумани, Зарафшон жамоа хўжалигидан Лазиз Тошев, Нурота туманидаги 20-мактаб ўкувчиси Одил Жуманазаров.

БУХОРО ВИЛОЯТИДАН:

Фижидун туманидаги 4-мактаб ўкувчиси Нозима Сайдова, Охунбобоев номли мактаб ўкувчиси Пўлат Туробов, Жондор туманидаги иқтидорли болалар мактаб-интернат ўкувчиси Иномжон Ҳаловов, Вобкент тумани, 1-иқтидорли болалар гимназияси ўкувчилари Наргиза Мансурова, Нафиса Ҳасанова, Камола Ёшиева, Бухоро шаҳри, 2-мактаб ўкувчиси Феруз Ҳикматова.

ФАРГОНА ВИЛОЯТИДАН:

Риштон тумани, 33-мактаб ўкувчиси Ойбек Жамолов, Кўён шаҳри, 8-мактаб ўкувчиси Алишер Исомитдинов, 28-мактаб ўкувчиси Барнохон Баратбоева, Фарғон

“ИҚТІСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

она тумани, 38-мактаб ўкувчиси Нодиржон Алимов, Риштон тумани, 4-мактаб ўкувчиси Гулноза Тўйчиева, Багдод тумани, иқтисодий гимназия ўкувчиси Тўлқинжон Раҳимов.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАН:

Иштиҳон тумани, 51-мактаб ўкувчиси Акамал Кўшмуродов.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН:

Ўзбек-турк иқтисодиёт лицейи ўкувчиси Абдурасул Қодиров, 131-мактаб ўкувчиси Барно Кўчқорова, 301-мактаб ўкувчиси Дилдора Досметова, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети қошидаги гимназия ўкувчилари Отабек Аҳмаджонов, Дилафрӯз Сафаева, Тоҳир Зарипов, Бобур Ўтамуродов, Аълоҳон Асрорхўясев, Азиза Ҳайдарова, Дилшод Тўлаганов, Мусабек Исмоилов, Саодат Эргашева, Ўтқир Қодиров, Сайёра Ҳамидова, Нафиса Сайдова, Улуғбек Худойберганов, А.Асрорхўясев, М.Мирҳожиев, С.Султонмуродов.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН:

Пскент шаҳри, 5-мактаб ўкувчиси Марҳабо Усмонова.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАН:

Гулистон шаҳри, 12-мактаб ўкувчиси Робия Якубова, Сайхунобод тумани, 2-мактаб ўкувчиси Камола Эргашева, Гулчехра Одинаева.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАН:

Булоқбоши тумани, 10-гимназия ўкувчиси Озодбек Мирзаев, 18-мактаб ўкувчи-

си Иброҳимжон Носиров, Шаҳриҳон тумани, Мўминов номли мактаб ўкувчиси Нафиса Фозилова, Пахтаобод шаҳри, 12-мактаб ўкувчиси Абдумажит Бойжигитов.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАН:

Чортқо тумани, 31-мактаб ўкувчиси Муножотхон ва Мадинаҳон Кўчқоровалар, Поп тумани, 3-мактаб ўкувчиси Нозима Мирзалимова.

СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАН:

Жарқўргон шаҳри, 2-мактаб ўкувчиси Насиба Қодирова.

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ЖАЛОЛОБОД ВИЛОЯТИ,

СУЗОҚ ТУМАНИДАН:

Улуғбек Аҳмадов, Шуҳрат Сотвoldиев, Шерзод Сотвoldиев, Гулноза Ҳамражонона, Акмалжон Қамбаров, Феруза Бекназарова, Шермуҳаммад Абдуғофуров, Аслиддин Тошбоев, Нодирбек Қурдатиллаев, Шерзод Авилов, Мусноҳиддин Муҳамматхасанов, Наврӯзахон Болтакулова, Фарҳод Холдоров, Сироҳиддин Мансуров, Севара Ҳакимова, Назира Турдиева, Икромиддин Мадаминов, Аслиддин Кўкиев, Илҳом Мадаминов, Дилмурад Аҳмадов, Шерзод Ҳакимов, Валижон Тошланов, Манзура Қурдатиллаева, Санобар Шонева, Зулғизар Жалолова, Азизбек Маматёқубов.

Жойларда баъзи мактабларнинг, ҳатто бошқа республика мактабларининг ўкувчилари бутун синф бўйича конкурсимизда

қатнашишга аҳд қилишибди.

Шу билан бирга баъзи ўкувчилардан келайтган мактублардан шу нарса маълум бўлди, конкурсга бошлангич топшириқларни топа олмаганилари учун қатнаша олмаётган ўкувчилар ҳам бор экан. Бу ўкувчилар ҳам сиртқи мактаб конкурсида қатнашиш ниятини билдиришибди. Шу боис, конкурсга қатнашмоқчи бўлган ўкувчилар учун газетамизнинг 6-саҳифасида "Эҳтиёжлар ва ресурслар" бобига доир якуний машгулотни яна қайта чоп қилияпмиз. Газетамизнинг 6-саҳифасида эса "Товар айрбашлаш ва пул" боби бўйича якуний машгулот эълон қилинмоқда. Конкурсга янгидан қўшилмоқчи бўлган ўкувчилар мана шу икки машгулот топшириқларини бизга йўлласалар ҳам бўлади. Олдинги топшириқларни мунтазам бажарип бора олмаган ўкувчилар ҳам бу икки топшириқни бажарип, бизга йўлласалар фойдалан ҳоли бўлмайди.

Эслатиб ўтамиз, конкурсимиз 1999 йил апрель ойигача давом этади. Голибларни эса қуйидаги совғалар кутмоқда:

1-ўринни эгаллаган ўкувчига -

РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР;

2-ўринни эгаллаган ўкувчига -

СТЕРЕО МАГНИТОФОН;

3-ўринни эгаллаган 10 та

ўкувчиларни ҳар бирига -

АУДИО-ПЛЕЕР.

Ҳа, айтмоқчи, 1999 йилда газетани қидириб юриш ташвишидан кутулоқчи бўлсангиз, яхшиси унга обуна бўлиб қўя колишини маслаҳат берамиз.

Омад сизга ёр бўлсин азиз ўкувчилар!

КОНКУРС ТАШКИЛОТЧИЛАРИ.

Исм-шарифингиз _____
 Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз _____

«ИҚТИСОДИЁТДАН СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИ

„ЭҲТИЁЖЛАР ВА РЕСУРСЛАР“ БОБИННИ ТАКРОРЛАШ БҮЙИЧА ЯКУНИЙ ТОПШИРИҚ

1. Кийидаги сўзлар, одамларнинг турли эҳтиёжларини акс эттириб маълум умумий хусусиятга қараб гуруҳларга бўлинган. Бу умумийликни аниқлаб бўш катакка ёзинг.

1:	сув, ҳаво, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, трактор, троллейбус.
2:	радио эшиши, телевизор кўриш, китоб ўқиш, саёҳатга бориш, ўзаро мулоқот.
3:	озиқ-овқат, кийим-кечак, шахсий гигиена асбоблари, ўқув қуроллари, дам олиш.
4:	уй-жой, телевизор, холодилник, қозон-товоқ, болалар тарбияси.
5:	таълим тизими, соғлиқни сақлаш тизими, мудофаа, солиқ инспекцияси.

2. Кийида келтирилган жумлаларнинг тўғри ёки нотўғрилигига ўз муносабатингизни билдиринг. Рост бўлса катакка “Р”, ёлғон бўлса “Ё” ҳарфини ёзинг.

1. Моддий нарсаларга бўлган эҳтиёжлар чекли.	
2. Капитал ресурслар чегараланган.	
3. Мехнат инсоннинг бирор эҳтиёжини қондириши шарт.	
4. Эски эҳтиёжлар ўрнига янги эҳтиёжлар пайдо бўлганлиги учун.	
5. Билим олиш учун ҳам табиий, ҳам капитал, ҳам меҳнат ресурслари талааб қилинади.	
6. Мехнатнинг маҳсулни фақат моддий нарса шаклида бўлади.	

3. Кийида, чап томонда иқтисодий атамалар, ўнг томонда эса уларнинг таърифлари келтирилган. Компьютерда матн терувчи баъзи жойлардаги матнни тушириб қолдиривди. Бўш жойларни тўлдириб қўринг-чи.

1.	деб	инсон меҳнатининг маҳсулни	га айтилади.
2. Ресурс	деб		га айтилади.
3.	деб	инсоннинг бирор мақсадга қаратилган онли хатти-ҳаракати	га айтилади.
4. Мехнат ресурслари	деб		га айтилади.
5.	деб	инсон эҳтиёжлари поёни йўқлиги билан ресурсларнинг чегараланганини ўртасидаги зиддият	га айтилади.
6. Иқтисодиёт	деб		га айтилади.

4. Кийида кишилар меҳнатининг маҳсулни қандай қўринишга эга?

МОДДИЙ

ЎКИТУВЧИ	КУРУВИ	ЎКУВЧИ	ВРАЧ	ОИЛА	ИНЖЕНЕР	КУЛОЛ	РАХБАР	СОЛИКЧИ	БАНКИР	СПОРТЧИ	ФЕРМЕР
----------	--------	--------	------	------	---------	-------	--------	---------	--------	---------	--------

ХИЗМАТ

5. Бир киши катта тошини кўтариб, тушгача тепаликка олиб чиқади, тушдан сўнг эса тошини яна олиб келиб жойига қўяди. Бу кишининг хатти-ҳаракатини меҳнат деб бўладими? Жавобингизни изоҳланг.

Жавоб:

6. а) Иқтисодиётнинг асосий муаммосини бирор мисолда тушунтиришга ҳаракат қилинг.

Жавоб:

б) Бу мисолдаги муаммони ечишининг қандай йўлини тавсия қиласиз?

Жавоб:

7. Шумболанинг жиндек ёлғон қўшиб сўзлашидан хабарингиз бўлса керак. Кийида Шумбона айтган жумлалардаги ёлғонларни тузатиб, қайтадан ёзинг.

Инсоннинг эҳтиёжлари чекли, ресурсларнинг эса поёни йўқ. Шу сабабдан одамлар эҳтиёжларини ўзи тўла қондира оладилар. Одамлар ҳеч нарса ишлаб чиқармасалар ҳам табиат уларни боқади.

Жавоб:

8. Бу бобни ўрганиш давомида қандай иқтисодий атамалар билан дуч келдингиз? Уларни сананг.

Жавоб:

9. Бу бобнинг умумий холосасини бир-иккита жумла орқали ифодалашга уриниб қўринг.

Жавоб:

10. Шу боб материалларига асосан ўзингиз тузган савол ва унинг жавоби. Савол:

Жавоб:

11. Шу боб бўйича ўзингиз тузган топшириқ ва унинг ечими. Топшириқ:

Ечими:

12. „Эҳтиёжлар ва ресурслар“ боби бўйича берилган назарий материаллар ва топшириклар хусусидаги фикрларингиз.

Жавоб:

ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

94-95-сонлар. 1 декабрь, 1998 йил

САБОҚЛАР» ДАВОМ ЭТМОҚДА

ДИҚҚАТ,
ТАНЛОВ!



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони,
2-йи, 402-хона.
(Музаттис ПИРМАТОВга)

„ТОВАР АЙРБОШЛАШ ВА ПУЛ“ БОБИНЦИ ТАКРОРЛАШ БҮЙИЧА ЯКУНИЙ МАШГУЛОТ

1. Пул қай тариха вужудга келганингиң қисқача баён қилинг.

Жавоб:

2. Куйидагиларниң қайсилари товар бўла олади, тагига чизинг.

Иш ҳақи, меҳнат, давлат,
банк, совға, ион, бугдой,
ишлаб чиқариш воситалари,
юя, буйруқ, тоғ.

3. Куйидан келтирилган воқеада қандай вазифалар бажараётгани аниқлаб, баён қилинг.

Тижорат билан шуғулланувчи Алишер бир ҳафталик даромадининг бир қисмига кейинчалик сотиш мақсадида янги товарлар сотиб олди, бир қисмини банкдаги ҳисоб рақамига қўйди, яна бир қисмига оиласи учун озиқ-овқатлар сотиб олди ва коммунал хизматлар учун тўловларни бажарди.

Жавоб:

4. Жадвалнинг биринчи устунига ўзингиз биладиган пул бирликларини, иккинчи устунига эса уларга мос тангаларнинг номларини ёзинг.

Пул бирликлари	Тангалар
100000	100000

5. Энг тўғрисини топинг. Харидор дўконда электрон карточасидан фойдаланганда:

- a) харидорларнинг ҳисоб - рақамига пул тушади;
б) сотувчининг ҳисоб - рақамига пул тушади;
в) харидорнинг ҳисоб - рақамидаги пул миқдори ўзгармайди;
г) сотувчининг ҳисоб - рақамидаги пул миқдори ўзгармайди;
д) харидор ҳисоб - рақамидаги пуллар камайиб, сотувчининг ҳисоб - рақамига тушади.

6. Куйидагиларга ўз муносабатингизни билдиринг. Тўғрисига “Р”, но тўғрисига “Ё” ҳарфларини мос катакларга ёзинг.

1. Битта мамлакатнинг бир нечта пул бирликлари бўлиши мумкин.

2. Ҳозирги даврда дунёнинг кўп мамлакатларида олтин ва кумуш пуллар ишлатилмоқда.

3. Қадимги Мисрда бугдой пул вазифасини бажарган.

4. Доллар билан дунёнинг истаган мамлакатида савдо-сотиқ қилиш мумкин.

7. Куйидагиларга ўз муносабатингизни билдиринг. Тўғрисига “Р”, но тўғрисига “Ё”, номаълумига “Н” ҳарфларини мос катакларга ёзинг.

1. Сотиб олинган ҳар қандай нарса товар ҳисобланади.

2. Бундан бир аср олдин ҳам товарлар ишлаб чиқарилган.

3. Ишлатилмасдан сақлаб қўйилган нарса товар бўлмайди.

4. Дарёдаги балиқлар товар эмас.

8. Айрбошлиш қандай вужудга келганинги баён қилинг.

Жавоб:

9. Куйидаги воқеаларда пул қандай вазифаларни бажараётганини аниқлаб, баён қилинг.

Аварнинг дадаси

1. Қариндошининг тўйига пул кўринишидаги тўёна берди.
2. Давлатга солиқ тўлади.

3. Автомобиль сотиб олди.

4. Банкдаги ҳисоб рақамига омонат топшириди.

Жавоб:

10. Жадвалнинг биринчи устунига ўзингиз биладиган вақтбай иш ҳақи олувчиларни, иккинчи устунига эса ишбай иш ҳақи олувчиларни ёзинг.

Вақтбай иш ҳақи олувчилар	Ишбай иш ҳақи олувчилар
105350527	105350527

11. Куйидагиларга ўз муносабатингизни билдиринг. Тўғрисига “Р”, но тўғрисига “Ё” ҳарфларини мос катакларга ёзинг.

1. Когоз пуллар кумуш ва олтин тангалардан олдин пайдо бўлган.

2. Пулнинг фақат мӯомала вазифасидан фойдаланадиган одамлар бўлади.

3. Пулдан фақат жамғариш воситаси сифатида фойдаланадиган оиласар мавжуд.

4. Соликлар тўланганда пул ўзининг ўлчов воситаси вазифасини бажаради.

12. Куйидагиларга ўз муносабатингизни билдиринг. Тўғрисига “Р”, но тўғрисига “Ё”, номаълумига “Н” ҳарфларини мос катакларга ёзинг.

1. Сувоқчига вақтбай иш ҳақи тўлаш керак.

2. Истеъмол қилинган маҳсулотларга товар дейилади.

3. Ҳайвонлар товар ҳисобланади.

4. Ақлий меҳнат маҳсулни товар ҳисобланмайди.



ЁДДА ҚОЛГАН КУН

29 ноябрь. Дам олиш куни. Эрталаб соат 6 да ўрнимдан турдим. Жуда деразадан қарагим келарди. Чунки деразадан оппоқ нур тушиб турар, ҳаммаёқ ёп-ёрүг бўлиб кетганди. Кўп қаватли уйда яшаганим учун унинг равонига чиқдим. Жуда совуқ экан. Секин дераза олдига келдим. Карасам, ҳаммаёқ оппоқ қорга бурканган. Кўнглим бирар ёришиб кетди. Совқотиб турган жойимда қорни кўриб, совуқ ҳам эсимдан чиқди.

Хаёлимда бугун янги йилдек. Бўлмаса, янги йил келишига бир неча кун бор. Шу-шу жойимда қотиб қолдим. Табиат бирар гўзал, дераза олдидан кетгим келмасди. Кўчада биргина машина турарди. Усти оппоқ қорга бурканган. Машина шунчалик оппоқки, унинг рангни ҳам билиб бўлмасди.

Шу пайт кўчага чиқиб, роса қорбобо ясагим, қорбўрон ўйнагим келди. Афсус, бундай қилишнинг иложи йўқ. Хаёл суреб ухлаб қолибман. Кейин бир уйгониб қарасам, соат саккиз. Яна равонга чиққим келди. Чунки қулоғимга болаларнинг чувур-чувурлари эшитиларди-да. Уларга жуда ҳавасим келди. Сўнг, равонга чиқиб майдончага ҳавас билан қарадим. Кичкинтоилар билан роса ўйнагим келди. Афсуски, болаликка яна қайтиб бўлмайди, лекин хаёлимда улар билан роса қорбўрон ўйнагандек бўлдим. Бу кун эсда қоладиган кун бўлди. Шахсан мен учун.

Гўзал ТУРСУНОВА,
Тошкент шаҳар,
Акмал Икромов туманидаги
106-ўрта мактабнинг
9 - "Б" синиф ўкувчиси.

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим-қадим замонда Равшан исмли бола бўлган экан. Бир куни Равшаннинг дадаси ишлаб ўтирганида дадасининг нима қилаётганини билгиси келиб, сўрабди: "Дадажон, нима қилаяпсиз?" - деди. Дадаси қилаётган ишини тўхтатиб, ўғли Равшанг: "Ҳисоб-китоб қилаяпман, ўғлим", - дебди. Мен ҳам бир ҳисоб-китоб қилиб қўяйчи, деб қўлига қофоз, қалам олиб нималарнидир ёзиб, қофозни китоб жавонининг устига қўйибди. Эртаси куни эрталаб Равшан мактабга кетибди. Равшаннинг ойиси эса уйдаги ҳамма ишлар қолибди. Равшаннинг ойиси уйдаги ҳамма ишларни қилиб, китоб жавонининг чангини артаётганида бир китобнинг тагидан устида ҳисоб-китоб деб ёзилган қофозни топиб олибди. Унда шундай деб ёзилган эди: "Ойижон, сиз билан ҳисоб-китоб қилиб қўядиган вақт келди. Ҳар куни уйга фақат мен нон олиб келаман, бунинг учун 100 сўм. Дастурхонни устини ҳар куни мен йиғишираман, бунинг учун 100 сўм берасиз. Ҳатто менга кўча, ҳовли, уйларни ҳам супуртирасиз, бунинг учун 200 сўм берасиз. Мен сизга уйдаги

САБОҚ

Бир воқеа ёдимдан чиқмайди. Қиши фасли эди. Ҳаммаёқ оппоқ. Кўчалар қий-чу! Ҳамма болалар тўйиб-тўйиб ўйнаяптилар. Шу пайт Нигора ойисига:

- Ойижон, мен дўстларим билан кўчада чанғи учаман, - деди.

Шунда ойиси:

- Нигора, шошма, иссиқ кийиниб ол, ташқари жуда совуқ экан, - деди.

Нигора эса парво қилмай:

- Ойижон, барибир киймайман. Дўстларим на-мунча қават-қават кийиндинг, бўронда қоляпсанми, дейишиди, - деди-да, юргурганича кўчага кетди. Шу кун унинг баҳти куни бўлди. Чунки у дўстлари билан мазза қилиб чанғи учди. Кеч бўлди. Ойиси уни овқатга чақирди. Нигора уйга киргиси келмай, зўрга келди.


- Вой, ойижон, яна озгина ўйнасам бўларди, - деди.

Шунда ойиси:

- Вой шўрим курсин. Шу совуқда битта женферда ҳам юрадими? - деб уни койиди.

Эртаси куни Нигора мактабга бориш учун турди. Унинг боши жуда ҳам оғрирди. Иситмаси ҳам бор эди. Ойижониси уйга шифокорни чақирди. Шифокор унга бир талай дориларни ва яна укол ҳам ёзиб берди. Нигора бу дори ва уколларни кўриб кўркиб кетди. Чунки у дори ичишдан, айниқса, укол олишдан кўрқар эди. У энди ойисига буларни ичмайман дея олмайди. Чунки у ойиси айтганини қилмагани учун жабрланаяпти...

Камола ОРТИҚОВА,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани,
23-ўрта мактабнинг 7 - "А" синиф ўкувчиси.



Мадина
МУХТОРОВАга

Ўтган ҳафтада "Лаззат" ошхонасини томоша қилдим. Унда қизил кўйлак кийган аёл овқат пишириди. У аёл, шубҳасиз, мен севгаган актриса Мадинаон Мухторова эдилар.

Ундан ташқари Мадина опамларнинг "Афандининг беш хотини" театридаги Тўтихон роли аъло даражада ижро этилган.

Нега Мадина опа болалигини унутмаган? Биринчидан, фақат хушчақча инсон, бола ролини ижро эта олади. Ундан ташқари уларга санъат таъсир қилган. Санъат шунчалик кучли нарсаки, унда аёллар - ёш қизларга, эркаклар эса йигитларга айланишади.

Мадина опа, қандай бўлсангиз шундайлигинизча қолинг, деб муҳлисангиз

Юлдуз ШОИКРОМОВА,
Шайхонтохур тумани,
324-мактабнинг
7 - "А" синиф ўкувчиси.

ҲИСОБ-КИТОБ



Ҳамма ишларда қарашаман, бунинг учун 200 сўм берасиз. Шу пулларни ҳаммасини шу ерга кўйиб кўйинг", - деб ёзилган эди.

Равшаннинг ойиси йиғлаб юборди, лекин барибир ўғлини айтганини қилиб, қанча пул деган бўлса, шунча пул кўйибди ва ойиси ҳам қўлига қофоз қалам олиб шундай

деб ёзибди: "Онанинг ҳам ҳисоб-китоб қилишга ҳаққи бор, лекин бollaда унча пул ҳеч қачон топилмайди, ўғлим сен мен билан ҳисоб-китоб қилдинг, мен ҳам сен билан бир ҳисоб-китоб қилиб қўяйчи. Мен сени шу ёшинггача боқиб катта қилдим, бунга 1000 сўм тўлайсан. Уйда қанча кийиминг бўлса, шу ҳамма

кийимларнинг олиб берганим учун 1000 сўм берасан. Сен мактабга кетганингда уйдаги ҳамма ишлар менинг битта ўзимга қолиб кетади. Бир ўзим ҳамма ишларни қиласман, бунинг учун 2000 сўм тўлайсан. Бу ҳали ҳолва", - деб ёзибди Равшаннинг ойиси.

Равшан мактабдан келиб китоб жавонидаги қофозга ўралган пулга кўзи тушибди ва уни ойиси Равшанг олиб қўйганини дарров се-зибди. Равшан қофозни очиб пулни олибди. У қофоздаги мактубни ойиси ёзган эди. Буни ўқиган Равшан бунча пулни қаердан оламан, деб ўйлаб турганида ойиси келибди. Равшан йиғлаб юбориб, ойисини қулоқлаб олибди.

- Ойижон, мен бунаقا пулни топмайман, мени кечиринг, - деб ойисининг пулни ўзига қайтариб берибди. Ойиси Равшанни кечириб иккинчи бундай қиласликка сўз бер, дебди. Равшан сўз берибди.

Дилноза МУСАЖОНОВА,
Тошкент шаҳридаги
Абу Райхон Беруний номли
243-мактабнинг
4 - "Е" синиф ўкувичиси.

ОСТОНАМДАН БОШЛАНУР ДҮНЁ

Ватан... Ватан ким учундир ўзи туғилиб ўсган юрт, ким учундир бир ҳовч тупроқ. Ватан - ким учундир бешик, ким учундир онанинг алласи. Ватан бешикдан бошланади, деб бежиз айтилмаган. Мен учун Ватан - киндиқ қоним томган мұқаддас замин - жонажон Ўзбекистонимдир. Унинг ҳар қарич ери, ҳар бир гиёхи мен учун мұқаддас.

**Меморлари тарих битган,
Илми қолдузларга етган.
Сино, Алишерлар ўтган
Ўзбек тортин ўғлониман.**

Нече буюк даҳоларни вояга етказган она Ватаннинг - Ўзбекистоннинг бир кичик фуқароси сифатида ўзимни баҳтиёр сезиб, унинг ҳар бир қаричини азиз биламан, эъзозлайман. Ўзим туғилиб ўсган Бухоро вилюяти, Вобкент туманимиз, хусусан, довруги кенг ёйилган Кумушкент мен учун азиздир. Ватанимизнинг қанчалик кенг ва чукур ўргансам, унга меҳрим шунча ортади. Мен шу юртда туғилганимдан, ўзбек фарзанди эканлитигидан қалбим фурурга түлади.

**Турғидан ундириб бол,
Мехнатидан топиб иқбол.
Тинчлик истаб топган камол
Мард ўзбекнинг ўғлониман.**

Ха, мард ўзбекларни вояга етказган юртда туғилганим, шу Ватанда вояга етгаётганимдан жоң жон юртимни жуда севаман. Зеро, Ватанин севмоқ иймондандир.

Ўз Ватанини севган ҳар бир инсон шу юртнинг табиатини кўз қорачиғидек асрай билиши ҳам лозим. Шундай экан биз ҳам ўз кучимиз етганича она табиатни асраримиз, ўсимликлар дунёсини йил сайн кўпайтиришга, Ватанин обод қилишга ўз ҳиссамизни кўшмоғимиз керак.

**Ҳар дамки бор имконинг,
Виждонинг, ифтихоринг.
Униб - ўсган маконинг
Азизу, мукаррам бил!
Ватанинги обод қил!**

Ха, Ватанимизнинг табиатига қанча кам путур етса, довдараҳтлар қанча асрар қолиниб, қанча кўпайтирилса биз инсонлар нағас оладиган ҳавонинг заҳарли газлардан тозаланиши шунчак яхшиланади.

Жуда қадим замонлардан оқ ота-боболаримиз дараҳт экиб, бөг-роғлар барпо қилганлар. “Бир йил тут эккан, қирқ йил барака топади”, деган нақл ҳам бекорга айтилмаган. Чунки бөг-

роғлар ризқ-рӯзимиз манбаидир.

Жаҳонгир бобокалонимиз Амир Темур замонида ҳам табиатни асраршга, гузарлар, бөглар барпо қилишга катта аҳамият берилган. Фазал мулкининг сultonи Мир Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби бобокалонларимиз ҳам ҳатто ўз юртларидан йироқларда яшасаларда, ўша жойларда каналлар қаздириб, бөглар яратганлар. Ватанимиз мустақилликка эришгач, ота-боболаримизнинг хайрли ишларини давом эттириш, бир вақтлар буздириб ташланган бөг-роғларни қайтадан кўкартиришга катта эътибор берилмоқда. Зеро, қариялар ҳикоя қилган, ҳозирда йўқолиб кетган дарё бўйларида табиий ландшафтлар ўрнини қисман бўлсада босадиган табиат зоналари яратиб, ҳар томонлама ифлосланаётган экологияни қисман бўлсада яхшилашга эришилмоқда.

Ўз-ўзидан экологияни яхшилашнинг қандай чора-тадбирлари ўтказилмоқда, деган савол туғилади.

Республикамизда шу йилнинг апрель-май ойларида ўтказилган “Тоза ҳаво” тадбирида барча вилюятлар ва туманларда кенг кўламдаги ишлар қилинди. Жумладан, биз ўқийдиган гимназияда ҳам йўл ёқаларига дараҳтлар экиш, синвларда хонаки гулларни ўстириш ва кўпайтиришга катта аҳамият берилди.

Экологияни яхшилашга аввало оиласлар аҳамият бериши, яъни ҳар кунлик супринди-чиқиндиларни худа-бехудага кўйдирвермасликлари мұхим аҳамиятга эга. Чунки чала ёнган хашхашак тутаб, ҳавони ниҳоятда ифлослайди. Бизнинг оиласда ҳар доим “Тоза ҳаво” тадбири амалда. Чиқиндиларни чукур хандакка молларнинг гўнгига аралаштириб, кўмиб борилади, ошхонамиздаги ўчоқлар ва тандирга алоҳида мўри ўрнатилган бўлиб, ёниб улгурмаган тутун иссиқ мўридан ҳавога чиққунча батамом ёниб кетади.

Бундан ташқари ҳовлимизда 50 тупдан ортиқ мевали дараҳтлар, атиргуллар, мавсумий гуллар, томорқамиз атрофида 200 тупдан ортиқ терак кўчатлари бўлиб, экологияни соғломлаштиришга оз бўлсада ҳиссамиз борлигини билдиради.

Республикамиз Президенти И. Каримов ўзларининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва қафолатлари” ном-

ли китобида экологик хавфнинг асосий тўрт йўналиши ва бу хавфни камайтиришнинг олтига йўналишларини кўрсатиб ўтгандар.

“Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги шу олтига чора-тадбирларни рўёбга чиқариш яқин вақт ичида ёк олдинги тизимдан ёш республикага мерос бўлиб қолган экология соҳасидаги кўпгина иллатлар, камчилликлар ва хатоларни бартарап этиш имкониятини юзага келтиради”, - деб ёзадилар Президентимиз И. Каримов.

Ҳозирги кунда дунё ҳалқлари муаммосига айланган Орол муаммоси каттаю-кичини ўйлашга мажбур қилади. Менинг фикримча, Оролга қуилиши керак бўлган Амударё ва Сирдарё сувларидан камроқ фойдаланиш йўлларини излаш керак. Бунинг учун пахтанинг ва будойнинг сувсизликка чидамли, масалан, бир-икки сув билан пишадиган навлари яратилса, ҳозирда Оролга борадиган сув икки марта кўпайган бўларди. Республика мустақилликка катта-катта химия заводларидан атмосферага тарқаладиган заҳарли тутунларни қувурларидан чиқмасдан фильтрлаб чиқариш йўлга кўйилса, яъни тутунни имкони борича тозалайдиган фильтрлар яратилса, тутун кўп ёғиладиган ҳудудларга дараҳтзорларни кўпайтирилса, экология бир қадар яхшиланар эди.

Ўзимиз яшайдиган она Ватанимизнинг суви, ҳавоси, ери мусаффолитини яхшилаш, ифлослантираслик катталар қатори энди вояга етиб келаётган ёш авлоднинг кўлида.

Демак, шундай экан ҳар бир оила бошлиқлари ўз фарзандларини она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашлари, биз ёшлар эса қўлимидан келганича жонажон Ўзбекистонимизнинг келажаги учун курашда катталарга ёрдам беришимиз, дараҳтлар, гуллар экишимиз, бордларини асрар парваришишмиз, нафақат ўзимиз учун, балки бутун дунё ҳалқлари учун фойдали бўлган ишлар қилишимиз керак ва ишонч билан айта оламанки, шу ишларни қиламиз ҳам.

**Альберт ИЗЗАТОВ,
Бухоро вилояти,
Вобкент туманидаги
1-иктидорли болалар
гимназиясининг
9-сinf ўқувчиси.**
(Шомурод Иzzatov шеврлари).



ТАБИАТНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР

**Она бўла қолгил,
менга табиат
А.Орипов.**

Табиатни дунёдаги энг улуғ зот онага қиёслашиди, бу бежиз эмас албатта. Онанинг иссиқ меҳридан қониб яшасак, табиат кучогида яйраб яшнаймиз. Табиатни муҳофаза қилиш бизнинг асосий бурчимиз ва вазифамиздир. Ўлкамизнинг табиати жуда ҳилма-хил. Бизнинг Хатирчи тумани ҳам сўлим масканлардандир. Табиат кудратини кўрай десанг “токка чиқ” деган ибора бежиз айтилмаган, албатта. Оқ тоғдаги Лангар ота, Такали тоғ, Жайловсой гори, Қора тоғ тизмасидаги Жунати, Болалик бешик тош, Оқсоқол ота, Шалдироқ, Ангидон Ёнғокли, Дўмбира тош, Сангижуман каби нодир гўшалар, нафосат масканларидандир.

Хатирчи яқинидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Бу дарёning Оқ дарё ва Қора дарё деб ном олган ирмоқлари оралиғида Миёнкол оқ ороли ҳосил бўлган. Ўлкамизнинг тоғ олди, адир ва тўқайларида бўри, тулки, қуён, чиябўри, жайрон ва жайра, қирғовул, лойхўрак, ўрдак, сўйи тўргай, чумчук, зарғандоқ, калтакесак, тошбақа, эчкимар, илонлар, кушоёқ, қумсичқон, типратикон, каламуш ва бошқалар яшайди.


Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин табиат муҳофазасига катта эътибор берилди. Бизнинг туманинг ҳам “Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси” қарийб 20 минг гектар ерни ўз тасарруфига олган, “Ўрмончилик хўжалиги” ташкил этилган.

Кишлоғимиз яқинида “Бобуртепа” деган тарихий тепалик сақланиб қолган. Бу тепалик ёнида ҳар йили қишлоғимизнинг қария ва ёшлари “Наврўз” сайлини ўтказишади. Биз дугоналаримиз билан соchlаримизга тол баргаклар тақиб қўшиқ ва шеърлар айтамиз, ариқлар ёқасидан ялпиз, доривор гиёҳлар териб онамиз, опаларимиз билан биргаликда хуштаъм таомлар тайёрлаймиз. Мактабимизда ҳар йили Наврўз байрами арафасида “Яшиллар” ҳаракати ҳафталиги ўтказилади. Бу ҳафталиқда ўқувчиларнинг барчаси фаол қатнашиб, мактаб таҳриба майдонига турли хил мевали ва манзарали кўчатлар ўтказиб, мактаб атрофини бобибўстонга айлантириб келишмоқда. Тут пишиғи даврида Полвонота тутзорида “Тут сайли” бўлиб ўтади. Бу сайилда қишлоғимизнинг етти ёшдан етмиш яшаргача бўлган инсонлари иштирок этиб, тут мевасидан баҳра олишади. Тут мевасидан тайёрланган холвалардан, мураббо ва қиёмлардан қарияларга, болаларга ва беморларга улашилади.

Ҳа, Хатирчи сўлим маскан. Бўш вақтингизда Шалдироқсойнинг шифобаҳш булоқ сувларидан иссангиз, Оқсоқол отага бориб тоғлар табиатига маҳлиё бўлиб, тўйиб-тўйиб нафас олсангиз тасаннолар айтасиз, дам олиб, ҳордик чиқарасиз. Шунинг учун ҳам мана шундай табиати мўъжизакор жойларда болалар дам олиш лагерлари, даволаниш масканлари ташкил этилган. Кўркам ва сўлим масканимизга бир бор келган киши яна бир бор келсан деб орзу қилса ажаб эмас.


Ҳар ким ҳам туғилиб ўсган жойининг табиатини эъзозлаб асрайди ва муҳофаза қилади. Мен она-табиатни онамдек севаман ва даъват қиламанки “Табиатни асранг, одамлар!”.

**Гулистон ЖУЛИЕВА,
Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги
74-мактабнинг 7-сinf ўқувчиси.**





ОЙДА ҲАМ ТОРТИШ КУЧИ АМАЛ ҚИЛАДИМИ?



Тортиш кучи ёки гравитация ҳодисасини Коинотдаги барча катта-кичик жисмлар яқинидан кузатиш мумкин. Бу ҳар хил жисмлар ўртасида тортиш кучи мавжудлигини билдиради.

Аммо бундай куч катталиги иккى нарсага: жисмларнинг массаси ва улар ўртасидаги масофага боғлиқ. Масалан, сизнинг танангиз билан Ер ўртасида ҳам тортиш кучи амал қиласди.

Ернинг ўлчамлари ниҳоятда катта бўлгани учун ҳам айнан у сизни тортиб туради. Аксинча бўлиши мумкин эмас. Ер юзасида турганингизда тортиш кучи сизнинг оғирлигингизга тенг бўлади. Бирок сайдерамиз маркази билан ўзингизнинг орангиздаги масофани иккига кўпайтиришингиз билан (яъни, Ер юзасидан 6500 км юқори кўтарилишингиз билан) оғирлигингиз 4 марта камаяди.

Ой улкан осмон жисми бўлишига қарамай, Ердан анча кичик. Унинг массаси Ернидан 80 марта кам. Шунинг учун ҳам унинг тортиш кучи (гравитацияси) Ернинг тортиш кучидан анча кам. Агар Ойга бориб қолсангиз, танангиз оғирлиги 6 марта камаяди. Бошқача айтганда, агар сиз Ой юзасида баландликка сакраш билан шуғулланадиган бўлсангиз, Ердагига нисбатан 6 марта баландрок сакрашингиз мумкин бўлур эди.

КОМЕТА НИМА?



Бир вақтлар одамлар пайдо бўлган кометаларни кўриб даҳшатга тушишган. Улар кометани шайтон аломати, вабо, урушлар ва ўлим нишонаси деб билишган.

Бугунги кунга келиб, кометалар нима эканини билсак-да, улар ҳақидаги кўп нарсалар ҳали бизга маълум эмас. Кометага илк бор кўзимиз тушганда, гарчи диаметри бир неча минг километрни ташкил этса ҳам, унинг кичик бир шуъали жисм эканини кузатамиш. Кометанинг марказидаги кичик, ярқириқ ёруғлик нуктасини ҳам кўриш мумкин. Ушбу ёруғлик нуктаси кометанинг ядроси деб аталади. Мунахжимларнинг фикрича, ядро муз ва чанг заралари аралашмасидир. Бу аралашмадан диаметри 0,5 дан 20 километргача бўлган шар ҳосил бўлади.

Күёшга яқинлашиши билан кометанинг думи пайдо бўлади. Дум жуда сийрак газ ва ўта майдада зарралардан иборат бўлиб, улар комета ядросидан Күёш таъсири остида ажralиб чиқади. Комета ядросини унинг “пўстлоқ” деб аталмиш учинчи қисми ўраб туради. У қаттиқ моддадан иборат ёлқинланиб турувчи булатиди.

Кометалар думи турли шакл ва ўлчамга эга. Баъзилари - қисқа ва кенг, бошқалари эса узун ва ингичка. Баъзи кометаларнинг эса, умуман думи йўқ. Комета Күёшга яқинлашаётганда ундан дум ўсиб чиқади ва ҳаракати ҳам тезлашади. Бу вақтда комета боши олдинда куйи ҳаракат қиласди. Сўнгра қизик бир вазият юз беради. Комета Күёшдан узоклашгани сари думи унинг олдига ўтади. Бунинг сабаби шундаки, Күёш нурлари комета ядросидан материянинг майда зарраларини юлиб олади ва унинг Күёшга тескари бўлган йўналишида думи пайдо бўлишига олиб келади.


Шунинг учун комета Күёшдан узоклашаётганда думи олдинда куйи ҳаракатлана бошлади. Бу вақтда кометанинг тезлиги пасаяди ва аста-секин

кўзимизга кўринмай қолади. Кометалар узоқ йиллар йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин, аммо аксарияти вақт ўтиши билан қайтиб келади. Улар Күёш атрофида айланади. Айримларининг Күёш атрофида бир марта тўла айланиб чиқиши учун жуда кўп вақт талаб этилади. Масалан, Галлей кометаси Күёш атрофида 76 йилда бир марта тўла айланиб чиқади. Галлей кометаси илк марта хитойлик бир рассом чизган суратда мелоддан аввалги 168 йилда ўз аксини топган. 1682 йилда Британия қироли мунахжими Эдмунд Галлей бу кометанинг ҳаракатини кузатиш жараёнида олиб борган ўз ёзувларини синчилаб текшириб чиққандан сўнг, айнан шу комета ҳар 76 йилда Ерга яқин келиб кетишини аниқлади. Бу кометанинг инглизлар 1066 йили Гастингс яқинидаги жанг арафасида кўришган. 1986 йили Галлей кометаси тўғрисида маълумот тўплаш учун космик кема учирildi. Кема кометанинг шакли ва ўлчамларини кўрсатувчи 2000 та суратни Ерга юборди. Аниқланишича, комета олимлар тахмин қилганидан иккى марта катта экан. Унинг узунлиги 16 км.дан ошиқ, эни эса 10 км. атрофида.

Мунахжимлар буғунги кунгача 1000 га яқин кометанинг рўйхатга олишган, аммо бизнинг Күёш системамида кўзга кўринмайдиган кометаларнинг сони бир неча юз мингдан ошиқ бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳар бир асрда кометалар Күёш яқинидан шу дараҷада кўп ўтадики, уларнинг ёрқин ва порлок “думи”ни Ердан ҳам кўриш мумкин бўлади. Кометани фақат Күёшнинг ёнидан ўтаетганда кузатиш мумкин. Сўнгра Күёш комета ядросидаги музни буғлантириб юборади. Күёшдан чиқаётган радиация газлар орқали ўтиб, уларни ионлайди ва бу газлар нурланишига сабаб бўлади.

РАДИОТЕЛЕСКОП НИМА?



Дунёдаги илк телескопни голландиялик оптика мутахассиси Ханс Липпертей ясаган эди. Аммо унга қадар турли олимлар, XIII асрдан бошлаб, катталаштириб берувчи линзалар ёрдамида тажрибалар қилиб кўришган. Ўта қашшоқ кун кечирган Липпертейнинг кашфиёти ҳеч кимга маълум бўлмай қолиб кетди. Орадан бир йил ўтиб ўз телескопини ясаган италян олими Галилео Галилей унинг ихтирочиси деган ном олди. У жуда кўпол ва жўн асбоб эди: Галилей телескоплари орасидаги энг кучлиси нарсаларни 33 марта катталаштириш кувватига эга бўлиб, осмоннинг фақат кичик (Ойнинг тўртдан бир қисмича) бўлагини кузатиш имконини берар эди.

Шунга қарамасдан, Галилей буюк кашфиёт яратди: у биринчи бўлиб Сатурн - Зуҳалнинг халқаларини, Юпитер - Муштариғнинг тўртта йўлдошини топди ва Ойдаги тоғлар ва кратерларни кўрди. Бугунги кунда Галилей ўз кашфиётида кўллаган асбобдан театр дурбинларини ишлаб чиқаришда фойдаланилади, чунки театрда дурбинлардан на нарсаларни кўп марта катталаштириш, на кенг кўриш майдони талаб этилмайди.

Аммо телескоплар Галилей замонидан бери кескин ўзгариб кетди. Электроника асли келиши билан бундай асбобнинг мутлақо янги тури - радиотелескоп ихтиро қилинди. Илк радиотелескоп Иккичи жаҳон уруши тугаганидан кўп ўтмай яратилди ва шундан бери у тинимсиз мукаммаллаштириб борилмоқда. Бу асбоб нимаси биландир, бизнинг кўзларимиз юлдузлар таратаетган ёруғлик тўлқинларини кўрганидай, юлдузлардан чиқаётган радиотўлқинларни “кўрадиган” улкан кўзни эслатади. Телескопнинг катта ликопчага ўхшайдиган, диаметри бир неча метрлик ойнаси радиотўлқинларни тутади. Унинг оддий телескопларга нисбатан бекиёс афзалиги шундаки, жуда заиф ёруғлик чиқарадиган ёки, умуман, чиқармайдиган юлдузлар ва галактикаларни ҳам излаб топиш кувватига эга. Ваҳоланки, ўта замонавий оптик асбоблар ҳам бунга қодир эмас. У бепоён фазони қоплаб ётган газ тўпламлари ёки космик чангларни ҳам ёриб ўта олади. Шунингдек, ундан ҳар қандай обҳаво шароитида фойдаланиш мумкин, чунки ра-

диотўлкинлар Ер атмосферасидаги булатларни осонлик билан ёриб ўта олади.

Космосдан келаётган радиотўлқинлар телекўрсатув ва радио эшиттиришда қўлланиладиган тўлқинларга нисбатан жуда қисқадир. Шунинг учун ҳам радиомунажжимлар бундай тўлқинларни тутиш учун маҳсус радиомосламалар ва антенналар ўрнатишиди. Антenna - улкан металл тарелка. Уни осмоннинг ҳар қандай бурчагига буриш кулаги бўлиши учун тепаликка ўрнатилади. Антenna тутадиган радиотўлқинлар жуда заиф бўлгани учун сигналларни кучайтириш зарурати туғилади.

Мунахжимлар, одатда, радиотўлқинларни қозога ёзиб боришади. Маҳсус ёзув мосламаси сигналларни тўлқинли чизик шаклида қозога кайд этиб боради. Олимлар шу тариқа ўз кузатишларни доимий суратда ёзиб боришади.

Оддий телескопдан фарқли улароқ, радиотелескоп ҳар қандай обҳаво шароитида ҳам ишлай олади ва уни қитъанинг исталган нуқтасига ўрнатиш мумкин. Бунинг учун тепалик бўлиши шарт эмас.

Америкалик бир олим диаметри 300 метрлик энг катта радиотелескоплардан бирини Пуэрто-Рикодаги сўнгап вулқон кратерига ўрнатди. Яна айланаси бўйлаб ҳаракатсиз элементлар жойластирилган, диаметри 600 метрлик ўзига хос радиотелескоп 1976 йили Шимолий Кавказда ўрнатилган.

МОМАҚАЛДИРОҚ НИМА?



Баҳорги жалалар, одатда, момақалдироқ билан бирга келади. Момақалдироқ сўзининг ўзи метеорологик ҳодисаларнинг бутун бир комплексини англатади. Улардан ҳаммамиз биладиганларимиз чақмоқ ва гулдиракдир. Чақмоқ кўшни булатлар ўртасида ёки булат Ер ўртасида чақадиган улкан электр учкунидир. Электрсизланиш (расяд) вақтида тор каналдаги ҳавони қиздирадиган катта микдордаги энергия ажralиб чиқади. Тор канал электр разрядининг тарқалиш йўлидир. Ҳаво тез қизиши натижасида шиддат билан кенгаяди ва зарба тўлқини пайдо бўлади. Бу тўлқин, гумбурланган товуш ҳосил қиласди.

Яшиннинг электрсизланиши, мабодо, кузатувчи унинг яқинидан турган бўлса, момақалдироқнинг кулоқни қоматта келтирувчи яккаю-ягона зарбасини эшитади. Узоқлашиб бораётган чақмоқнинг эса узоқ гумбурлаши эшитилиб туради. Товушнинг асосий зарбадан сўнгги такрорланиши унинг ер юзасидаги ўйдим-чуқурликлар, бинолар, ўрмон чегаралари, булатлар ва ҳ.к.дан қайтадиган асадолариридир.

Яшин уриши ноxуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Унинг талофат етказиш курдати иссиқлик энергияси ажralиб чиқиши билан боғлиқ. Унинг таъсирида дараҳтлар синиши, уйлар, миноралар ер билан яксон бўлиши мумкин. Яшин уришининг олдини олиш мақсадида кўп қаватли уйлар ва иншоотларга токни ерга ўтказиб юборувчи металл таёқча - яшин қайтаргич ўйнади. Яшин қайтаргич дейиш ҳам унчалик тўғри эмас, нега и, у яшинни қайтармайди, аксинча, ерга ўтказиб юборади ва шу билан иморатларни унинг зарбасидан химоя қиласди.

Оддий тўғри чизикли (ёки илонизи) яшиндан ташқари, баъзида шарсизмон яшин - олов шари ҳам пайдо бўлиб туради. Бу шар Ер юзасида унча баланд бўлмаган ҳавода сузуб юради ва қаттиқ предмет билан тўқнашганда, портлайди.

Момақалдироқ, осмонни тўп-тўп ёмғир булатлари қоплаб олганда кузатилади. Улар бошқа булатлардан ўзига хос шакли (улар тик ҳолда жуда чўзилиб кетган бўлади, устки қисми эса темирчининг сандонини эслатади) ҳамда қорамтири тусдалиги билан ажralиб туради. Ҳаво бундай булатлар ичидан шиддат билан юқорига кўтарилаётib, ёмғир томчиларини ҳам ўзига тортади ва электр зарядлари ҳосил бўлиши учун зарур шароит тутадиги беради ва ниҳоят яшин туради.

Ҳар дақиқада Ер шарининг турли бурчакларида иккى мингга яқин яшин турати ўтади. Куруқлик устида ёзда (баъзарда), сувликлар устида эса қишида кўпроқ яшин туради.

Болалар ажайиб-гаройиб воқеаларни түкіб чиқарышни яхши күришади. Катталар эса, тинглаб ёқа ушлаб қолишади. Улғайғанлари сари ҳаёт болаларнинг бундай ажайиб қобилиятини ийқотиб боради, лекин баъзи бирларига кучи етмай қолади. Ўз қобилиятини сақлаб қололган болалар улғайғач, ажайиб эртакчи ёки болалар ёзувчиси бўлиб етишадилар. Улар воқзалнинг чой ичганини ҳам, қирқоёғини оёқларини санаб кўраётганини ҳам билишади. Воқзалнинг умри бино бўлиб меҳмонга бормаганигидан армон қилаётганини ҳам ҳис қилишади. Ана шундай болалигини бир умр сақлаб қололган инглиз эртакчиси Дональд Биссетнинг қизиқ воқеаларга бой эртакларини сал ҳафта-фаҳмроқ, ўзидан бошқани кўрмайдиган болалар ўқисалар, ўзлари учун тегишли хуласа чиқариб олишлари мумкин.

Қадим замонда эканми, яқин замонда эканми, ишқилиб, ёргу оламда Сәмюэл исмли бир қирол яшаб ўтган экан. Бир куни у таҳтда ўтириб бувимникига меҳмонга борсам зағ ажайиб иш бўларди-да". Қирол бувинини ниҳоятда соғиниб кетганини ҳозиргина сезибди ва шу заҳотиёқ ўрнидан сапчиб турибди-ю, қироли-ча билан хайрлашиб жўнаб қолибди.

Ватерлоо вокзалига етиб боргач, юарзинадан платформага кўтарилаётган чогида бирданига вокзал ўзича мингирлаётганини эшитиб қолибди:

- Бориб чой ичиб келай.


Сәмюэл платформага оёқ босмоқчи бўлгани замонда бундай қараса аллақачон воқзалнинг изи қуриб бўлганимиш!

- Бу омадсизликни қара-я, - дебди Сәмюэл. - Бу кетишида ҳали поездга ҳам кеч қоламан, кейин бувимнинг аччиғи чиқади. Ҳозироқ қайт орқанг! - деб қичқирибди Сәмюэл воқзалнинг кетидан.

Аммо вокзал пинагини ҳам бузмабди.

- Кўрқма, кеч қолмайсан, мен ҳозир чой ичиб келаман, - дебди вокзал қиролга.

Ҳақиқатан ҳам, мириқиб чой ичиб олган вокзал кайфи чоғ қайтиб келибди ва Сәмюэл поездга ўтирибди. Ниҳоят, поезд жойидан силжис, и ва зерикмаслик учун ҳиргойи



ҚИРҚОЁҚ

биласан. Шунча оёқни адаштириб юбормаслик учун жудаям ақлли бўлиш керак

- Бу жудаям осон-ку. - камтарлик билан дебди қирқоёқ, гарчи уни ақлли деб ҳисоблашлари ўзига жуда-жуда ёқса-да.

Ниҳоят, кутавериш олашақшақнинг жонига тегиб учиб кетибди.

Қирқоёқ қора қўнгиз билан хайрлашибди ва физиллаганча ўйлида давом этибди. Аммо, бирданига у ўйлаб қолибди: "Қизиқ, ҳақиқатан ҳам қайси оёқдан юриши кераклигини қаердан биларкинман?"

Шундай деб ўйлагани ҳамон оёқлари чалкашиб кетибди ва у е ерга узала тушибди. У туришга уринармиш-у, лекин қайси оёқдан юришини бошлаш краклигини ўйлагани заҳотиёқ яна чалкашиб кетаркан ва иқлишиб тушаркан.

Шу пайт ўйлдан мингоёқ ўтиб қолибди. Оёқлари қирқоёқнидан анча-мунча кўп бўлса-да, у барчасини жуда усталик билан бошқараркан.

- Ҳеч ақлимиғи сифидиролмаяпман, сен қандай қилиб барча оёқларини бошқарасан? - ҳавас қилибди қирқоёқ.

- Энг муҳими, бу ҳақда сира ўйламаслик лозим, - тан олиби мингоёқ. - Бонча бирор нарса ҳақида ўйласанг, оёқларингнинг ўзлари югуриб кетишади.

- Раҳмат, мен бир ҳаракат қилиб кўрай, - дебди қирқоёқ.

У шундай қарорга келибди: "Ҳозир аниви атиргулнинг нақ учига чиқаман. Атиргул шунақсанги гўзал, хушбўй, баланд ва тиканли-ки! Бўлди энди атиргулга чиқиб, гулидан бир ҳиддамагунча ортга қайтмайман".

Бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламай, у атиргул томон интилибди ва қирқта оёғи ўзига сўзсиз бўйсунайтанини ҳам сезмай қолибди. Энди у чалкашмабди, қоқилмабди ва ерга йиқилмабди ҳам.

Бор-йўғи олтигина оёғи бор қора қўнгиз эса қирқоёқнинг физиллаганча атиргулнинг тиканли навдасидан чиқиб кетаётганини ҳавас билан кузатиб қолибди.

Бир замонда қирқоёқ яшаган экан. Ажайиб баҳор кунларидан бирида у сайнинг чиқиби.

Саҳиҳ қўёш оламни майнин нурларига чулғаб олган, қушларнинг ажайиб кўйлари юракларга ором бағишлади, бундан эса қирқоёқнинг ниҳоятда кайфи чоғ эди.

Шундай қилиб, баҳор нашидасини сурб кетаётган қирқоёқнинг ўйлини олашақшақ тўсибди. Ҳатто, уни ютиб юбориш учун очофтат тумшугини ҳам катта очибди. Яхшиямки, қирқоёқ уни вақтида сезиб қолибди-ю, оёғи остида учраган горга ўзи ни урибди. Бу горда қора қўнгиз яшар экан.

- Салом! - дебди қирқоёқ. - Сен ҳам слашақшадан бекиниб ўтирибсанми?

- Албатта.

- Ишқилиб, пойлаб ўтириш тезроқ жонига тегсинг-да, жимликни бузиди қирқоёқ. - Мен кўп пойлайлмайман, чунки жудаям шошиляпман.

- Мен эса сен билан танишганимдан жуда ҳурсандман, - дебди унга жавобан қора қўнгиз. - Очигини айтганда доим сенга ҳавасим келарди.

- Ростданми? Нега?

- Чунки, сенинг шунча кўп оёқларинг бор ва сен ҳар доим кейинги қадамни айнашан ҳавасим келарди.

- Чунки, сенинг шунча кўп оёқларинг бор ва сен ҳар доим кейинги қадамни айнашан ҳавасим келарди.

Дональд БИССЕТ

бошлабди:

- Тақа-тук, тақа-тук, тақа-тук...

Тез орада улар шундайгина темир ўйл ёқасида ўтлаб юрган сигирни учратишибди. Поезд тўхтабди.

- Бувининг ўйига тўғри кетяпмизми? - деб сўрабди поезд ҳайдовчиси сигирдан.

- Тўғри кетяпсизлар! - жавоб бериди сигир. - Балки меним ола кетарсизлар, жудаям зерикб кетдим.

- Юрақол, - дебди ҳайдовчи. Кани, қақонгина чиқиб ол.

Сигирнинг исми Сәлли экан, у дарровгина поездга сакраб чиқиб олибди ва улар янга олга кетишибди. Бироз юрганларидан сўнг ортларидан қандайдир пишиллаган ва тарақлаган товушлар эшитилибди. Ўғирилиб, қай кўз билан кўришсаки, кетларидан Ватерлоо вокзали югуриб келаётганимиш.

- Мен ҳам сизлар билан бирга борсам майлими? - деб сўрабди вокзал. - Ахир, умримда ҳеч меҳмонга бормаганиман.

- Юрақол, - дебди қирол Сәмюэл.

Улар янга ўйлга тушишибди ва

тез орада бувиникига етиб келишибди.

Бунча меҳмонни кўриб, ҳайратдан бувининг оғзи очилиб қолибди. Ҳазилми ахир: поезд ҳайдовчи, Сәлли исмли сигир, қирол Сәмюэл ва ҳатто Ватерлоо вокзали меҳмонга келишса-я.

Ниҳоят, ҳайратдан ўзини ўнглаб олган буви жуда ҳурсанд бўлиб кетишибди, уларнинг ҳаммасини чой ва мураббо билан сийлабди. Чой ичиб бўлишгач, қирол Сәмюэл дебди:

- Энди ўйга қайтиш вақти стди. Соат бешда мен Ватерлоо вокзалига етиб боришиб керак.

- Шошилмасон ҳам бўлуверади, - дебди бувиси. - Ахир, Ватерлоо вокзали шу ердаку.

- Дарҳақиқат! - қувониб кетибди қирол. - Буни қаранг, демак шошиша ҳожат қолмабди. Унда, янга озгина чой ичамиз.

Бувиси янга қайноқ чой дамлабди, унинг ичиб бўлғач, ўйлга соат бешгача бемалол сұхбатлашибди. Кейин буви билан хайрлашиб, Ватерлоо вокзалига киришибди, шу заҳотиёқ қаердан кетган бўлсалар, ўша ерга етиб келишибди.

Албатта, Сәлли исмли сигирнинг кеч қолган поездга чиқишига тўғри кетишибди, чунки унинг ўйи вокзалдан анча нарида экан.


- Сен билан танишганимдан багоят ҳурсандман, - дебди қирол Ватерлоо вокзали.

- Мен ҳам, - жавоб бериди вокзали.

Кейин улар хайрлашибди.

- Хайр, - дебди қирол. - Мен кета қолай, қиролича хавотирланаб кутиб ўтирасин, тагин. Лекин, сен менин унутиб юборма, албатта саройимга меҳмон бўлиб келгин!

ЎЗ ЖОЙИДА ТУРМАЙДИГАН ВОКЗАЛ



ҚИНГИР-ҚИЙШИҚ ЎЙЛ

Кичкинагина мовий автомобиль ўйлдан гизиллаб кетиб боради. Ўйл жудаям қингир-қийшиқ эди. У иланг-биланг қилиб ҳалқалар ясар, қингайиб-қийшайиб, тоҳ чапга қайриларди.

- Сен нега тўппа-тўғри эмассан? - сўрабди автомобиль ундан.

- Бунинг ҳеч иложи ийўк, - дебди ўйл. - Хоҳлайсанми, менин қандай қилиб қурғанларини сўзлаб бераман?

- Бир куни, - деб ҳикоясини бошлабди ўйл, - белкурак ва чўкич кўтарган ишчилар келишибди ва ўйл сола бошлашибди, яъни мени... Аввалбошда мен тўппа-тўғри эдим. Аммо, ўйл-йўлакай бизга сигир учраб қолди. Сигир кўм-кўк ўтлар орасида ухлаб ётари. Мен унга: "Хой, уйғонсанг-чи", деб қичқирдим. Ишчилар ҳам: "Четга ўт! Бу ердан янги ўйл ўтади", дейишибди. Қаёқда дейсиз, сигир фақат биттагина кўзини очди-да, зўрга: "Мўй-ӯй", деди. Турган гап, уни четлаб ўтишга тўғри келди. Менинг биринчи бурилишим шундай ҳосил бўлди. Кейин, ўйлимизда дарахт учради. Кун жудаям иссиқ, дарахт ости эса салқин эди.

- Йўловчилар бу ерда мазза қилиб дам олишибди-да!, деб ўйладим мен. Ишчилар ҳам дарахтни кесишибди, балки унинг ёнидан айланниб ўтишибди. Шундай қилиб, иккинчи бурилишим ҳосил бўлди.

Шу орада ишчилардан бирининг музқаймоқи келиб қолди. Кейин иккинчиси музқаймоқни хоҳлаб қолди. Шу тариқа ҳам-

малари музқаймоқ емоқчи бўлишибди ва ўйлни музқаймоқ дўкони томонга буришибди. Шундай қилиб, халқа пайдо бўлди.

Музқаймоқни еб бўлғач, ҳаммалари ётиб дам олишибди. Уйғона солиб янга белкуракларига ёпишибди. Лекин, уйқусираб ўйлни бутунлай тескари томонга солишибди. Шундай қилиб, янга бир халқа ҳосил бўлди. Ишчилар ўйлни орқага буришибди ва тухум босиб ётган курк товуқга дуч келишибди.

"Сал четроққа сурилинг, илтимос, - дейишибди курк товуқ. - Бу ердан ўйл ўтказиб ўтимиз!"

"Жоним билан сурилардим-а, - жавоб берди курк товуқ. - Лекин, ҳозир охирги жўжам очиб чиқади ва ўша заҳотиёқ биз ҳаммамиз кетамиз".

"Йўқ, биз кутиб туролмаймиз", - дейишибди курк товуқ ва ўйлни курк товуқ билан жўжаларининг ёнидан айлантириб олиб ўтишибди.

Шу тариқа мен олтинчи бурилишни ясадим.

Бу вақта келиб, иш вақти тугади. Ишчилар белкурак ва чўкичларини йигиштириб, ўтга отландилар. Кета туриб, менга охирги марта назар ташлашибди ва дейишибди: "Қаранглар, бизнинг ўйлимиз қандай гажакдор бўлиб чиқибди-я!".

Шунинг уч



ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ

ЁШ ИҚТИСОДЧИ


YOSH IQTISODCHI

94-95-сонлар. 1 декабрь, 1998 йил


"ЁШ ИҚТИСОДЧИ" ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-йи, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).


Мулокот учун телефон: (371) 139-49-32, Факс: (371) 139-48-23. Пейжер: (088) 30-13




ҚАЙСИ ДАРАХТДА ОЛМА КҮПРОҚ




ИККИТА БИР ХИЛ СУРАТНИ ТОПИНГ



ЛАБИРИНДАН
ЎТИШГА ЁРДАМ
БЕРИНГ



ЗНГ ХАВФСИЗ ШҮЛНИ КҮРСАТИНГ



Ҳабиб АБДИНАЗАР

Күнгилда,
Кун, ишлә
очилар бир марварид гул,
Унга битилмаган хаёл
суврати.

Назокат толе бу, ҳим-мати улуг —
Юзимга, күзимга күчган ҳасрати.
Юлдузлар узилган осмон тоқидан,
Қай тождор зулмидә шамашир
Хазонрез боғлардек күтәрап шовқин,
Оёғинг остига түкилган занжир.
Қасидалар биттинг, ёлғонлар битдинг,
Жаллод кундасидан ясалган бешик.
Шамоллар афтода, шамоллар ғофил,
Қарсылаб ёпилди дилдаги эшик.
Барига бепарво қўл силтадинг Сен,
Дилингга чўзилди ҳар битта садо,
Саҳроми, ой — оғриқ товонларимга,
Тикондек санчилди бу Ҳамду Сано...
Күнгилда,

Ой, ишлә
очилар бир марварид гул...

Менга таниш бу овоз, бу дод —
У кимдир, соchlари тўзиган аёл.
Ер билан биттадир бу мовий осмон,
Ер билан биттадир дил доди ҳижрон.

Сирғалиб ўтади сирли шарпалар,
Улийди шамолда тушибап жарлик.
Сезаянман, яна недан қўрқинч бор
Билдим, танда савдои хўрлик...

... Осмондек суюиди мени бу қўллар,
Ғамангиз товушлар, ҳазонлар аро
тошли қўчалардан олиб ўтдилар,
ай, нури вафо —
кафтларингни оч!
Мен кетаётган пайт —
Бир бола ийглайди,
бира бола...
Қаранг, қарасангиз-чи,
унинг қорни оч!

БИР МАРВАРИД ГУЛ

Ҳабиб АБДИНАЗАР том маънода шакланган шоир, у сўз масъулиятини ҳис қиласи, қўлига қалам тутган зот ҳамма нарса га жавобгар эканини билади.

Адабиёт томошабог эмас. Гоҳ-гоҳида ажабтовур томошалар кўрсатилса ҳам, ҳақиқий қадриятлар ўрнини «қоғоз гуллар» эгалласа ҳам, лекин адабиёт ижтимоий салоҳиятини йўқотмайди. Фақат маълум муддат «нокдаун»га учраши мумкин. Бу ҳол «нокаут» эмас. Ўзини ўнглаб олиши учун тўққиз сония муҳлат бор, атиги тўққиз сония, холос. Ана, Бош ҳакам бармоқларини букиб, саноқни бошлади... «Қаддингни кўттар!» деб ҳайқиради тарафдор. Бетараф томошабин эса лоқайдлик билан сақич чайнаб ўтираверади. Издиҳом гувранади: рақиб ғалаба қувончини соғиниб, энтиқиб-энтиқиб сапчийди. Лекин Адабиёт моматалоқ бўлиб кетган юзларини билали билан уқалаб, қаддини ростлайди ва қўлларини кўтариб: «Тайёрман!» дейди... Боксчи ҳаваскор бўлиши мумкин. Ҳаваскор асло профессионал «чарм қўлқоп» устасига қарши қурашмайди. Агар тўққиз «раунд» давом этадиган қурашга рози бўлса, демак профессионал мақомига даъвогар...

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Президентимизнинг янги китобига, у кишининг Самарқанд ва Навоий вилоятларида навбатдан ташқари сессияларда сўзлаган нутқларига бағишлиланган ижодий кенгаш бўлиб ўтди. Унда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Қ. Жўраев ижодкорларни фаоллика, ижтимоий ҳаёт воқеаларига чин ватанпарварлик нуқтаи назаридан янада теран аралашишга даъват этди. Умид қиламизки, адиблар ҳар галгидек ижтимоий адолат мезонларини тиклаш жабҳасида жонбозлик кўрсатадилар.

Куйида ушбу кутлуг йўлда ташланган ilk қадам намуналари эълон қилинаётir.



ПАХТА

Ҳозирча мен гўзаман,
Ялтираган кўзаман.
Бўламан бир кун пахта,
Очилимайман дараҳтда.

Даланинг мен ойман,
Гўзаликка бойиман,
Мен кузда очиламан,
Кўйнингга сочиламан.

Гулнораҳон ХУДОЙБЕРДИЕВА
Андижон туманидаги
42-ўрта мактабнинг
7-«Д» синф ўкувчиси.

ОНАЖОННИМ КАБИ АЗИЗ ВАТАНИМ

Дунёда одам зоти борки, ўзи яшаб турган Ватанини азиз деб билади. Ҳатто шоирлари Ватан ҳақида кўйлайди.

Юртим сенга шеър битдим бу кун,

Қиёсингни топмадим асло.

Шоирлар бор ўз юртин бутун

Оlam аро атаган танҳо.

Улар шеъри учди кўп ийроқ,

Қанотида кумуш диёри

Бир ўлка бор дунёда бироқ,

Битилмаган достондир бари —

Фақат ожиз қаламим маним,

Ўзбекистон — Ватаним маним.


Юртбошимиз И. А. Каримов айтганидек «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак». Лекин айрим болалар яшаб турган Ватанини азиз деб билмайди. Улар фақат оғзидағина сўзлаб юради. Масалан, мол-қўйларини буғдойзорларга қўйиб юборади. Мактабда эса парта, доска, китоб-дафтарларга бепарволик қилиб, ўртоқлари, ўқитувчилардан доимо дакки ўшилади. Ҳўш, улар Ватан дегандан нимани тушунишар экан? Ахир Ватан бу — ўйимиз, мактабимиз, маҳалламиз-ку. Биз онажонимизни қандай яхши кўрсан, Ватанимизни ҳам шундай яхши кўришимиз керак эмасми?

Шахноза АРЗИЕВА
К. Курбонов номли, 42-ўрта мактабнинг
7-«Д» синф ўкувчиси.
«Чашма» ёш қаламкашлар тўгарагининг
аъзоси.

Дўст ҳақда ўйлаб, мен қўлимга қоғоз ва қалам олдим. Бунинг сабаби бор, албатта. Мен 9-синфда ўқийман. Ўртоқларим эса жуда кўп. Аммо, жуда зўр бир дўстим 1998 йил 16 октябрь, жума куни оламдан бевақт кўз юмди. Эндиғина 14 ёшга кирган эди дўстим. 15 октябрь, пайшанба куни Раҳматжоннинг туғилган куни эди. 16 октябрда эса у оламдан кўз юмди. Ҳаттоқи, туғилган кунидан сўнг бир кун ҳам яшамади. Дўстим Раҳматжоннинг касали, менимча, жуда жиддий эди. Аммо, дўстимни вақтида қасалхонага ётқизишмади. Бунга сабаб улар оиласида 7 киши бўлиб, отаси, иккакаси ва укаси ҳам юқумли қасаллик билан оғриб, қасалхонага бир вақтда ётган эдилар. Оиласи шароитлари ҳам жуда оғир эди. Биз синфидан оиласига қўлимиздан келганича ёрдам берар эдик. У бир-икки ҳафта олдин мактабда ғалатироқ бўлиб юрди. Бир неча марта

матжон йўқлигидан армондамиз. Биринчи чорак бошларида синф раҳбаримиз ҳамма қора костюм-шим кийсин деган эдилар. Биринчилардан

Ҳамиша ўйғоқ хотира



биз билан суҳбатлашиди. Раҳматжон биринчи партада қўлини бошига қўйиб ўтиради. Шунда домлалардан бирни Раҳматжонга «ухлаб қолдингми?», — деди. Ҳамма болалар кулиб юборишиди. Кейин билсан, унинг кўнгли озиб, боши оғриётган экан. Ўша куни биз нотўғри кулганимизга пушаймонмиз. Ёнимизда Раҳ-

бўлиб оиласига шароити яхши бўлмаса ҳам, Раҳматжоннинг ота-оналари чиройликкина костюм-шим олиб беришиди. Жойи жаннатда бўлсин, дўстимнинг. У костюм-шимни бир ой ҳам кия олмади.

Биз дўстимизга лақаб қўйган эдик. Чунки, синфда 25 та ўғил бола ўқийди. Ҳаммаси бир-биридан шўх, бир-бири-

дан самимий. Шунинг учун ҳам бир-биримизга лақаб қўяр эдик. Биз синфдошлар Раҳматжоннинг қадрига етмадик. Аммо энди дўстимиз бу дунёда йўқ. Кечалари ичимни гўё мушук тирнайди. Дўстимни эслаб қолгудай бўлсан ийлагим келади. Ағсус... Биз вақтида дўстимизни қадрига етмадик.

Мен айтмоқчи эдимки, тенгдошлар, дўстларингизни қадрига етинглар. Дўстингизнинг хафа қилиб, унинг устидан масхара қилиб кулманглар. Сўнг бизга ўхшаб афсусланиб юрманг. Акс ҳолда, бундай оғир жудоликка чидай олмайсиз. Бундай воқеалар сизнинг синфингизда бўлмасин. Менинг бошинга тушганлиги учун сизларга шундай мурожаат этаяпман. «Бир кам дунё» деб шуни айтсалар керакда. Мен бу воқеани ёзар эканман, ичичимдан афсусдаман.

Бахтиёр ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳридаги 274-
мактабнинг 9-«Б» синф
ўкувчиси.

Бир куни қишлоқдан уйимизга онам меҳмон бўлиб келдилар. Кечки овқатдан сўнг ҳаммамиз ўтириб телевизор кўра бошладик. Биринчи каналдан берилган кўрсатувлар тугагач, ўғлим иккинчи каналга олди. У ердан чет эл эстра-

китоблар бериб турардим. Бир галкитобимни қайтармади. Сўрадим.

— Онам иш қилмасдан китоб ўқияпсан, деб олиб кўйди. Топа олмадим, — деди у кўзлари жавдираб.

Ўшанда мен илк бор иложисизлик, имконсизлик

ҳат боғларида, лагерларда ўтказмайдилар. Бунинг ўрнига улар эрта тонгдан, то қоронги шомгача иш қилишлари керак. Эрталаб қўйларни сурувга, молларни подага олиб боришлиари, уйга узоқдаги қудукдан сув олиб келишлари, она-

ган, қалбида уйғонган чексиз, чегарасиз ҳавасларни иложисизликка бўйсундириб ўшаган ҳар бир қишлоқ боласининг қалбига мерос бўлиб қолгандир.

Ҳалима ҳозир болачали бўлиб кетган. Лекин у ўз болаларида ўзининг

қишлоқдаги дугоналарим мен билмаган ялтироқ янги матоларни топиб кийишади. Кўйлакдан, янги шойи рўмолдан воз кечинг-да, фарзандингиз учун «Тонг юлдузи»га обуна бўлинг. Газетадан кўп нарсани топасиз, дегим келади уларга.

Чекланган иложлар, чегараланган имконларга шу газета ҳархолда чек қўяди. Мен бунга ишонаман. Чунки уни йил бўйи ўқиб ютқазмаяпман.

Саодат ДОНАБОЕВА.

ЧЕКЛАНГАН ИЛОЖЛАР, ЧЕГАРАЛАНГАН ИМКОНЛАР

даси концерти берилаётган экан.

— Кўй болам, учир бунигни, гаплашиб ўтирайлик, — дедилар онам ўғлимга қараб.

— Нега буви? Бу ахир Майл Жексон-ку! — жавоб берди ўғлим.

— Билмасам унингни, жа шовқини баланд экан, бошим оғриб кетди, — деди онам ҳижолат бўлиб.

Уларни кузатиб туриб ўз болалагим эсимга тушиб кетди. Мен қишлоқда туғилиб ўсдим. Бутун болалигим қишлоқда ўтди. Лекин бизнинг оиласизда отам зиёли одам булганлиги учунми, китоб ўқишига, телевизор кўришга бошқа оиласарга нисбатнаваҳтам, имкониятҳам оз бўлса-да топиларди.

Эсимда қўшнимнинг қизи Ҳалима деган дугонам бўларди. Унга ўқиши учун

нинг нима эканлигини тушунгандай бўлдим, бола қалбимда илк бор ўкинч туйгулари пайдо бўлди.

Мен шаҳарда яшайпман. Болаларим шаҳарда туғилиб, шаҳарда ўсишаюти. Қишлоқдаги муҳтоҷлик бу ерда ҳам йўқ эмас.

Лекин, ҳали-ҳалигача биз қишлоқка меҳмон бўлиб борганимизда ёзи бўйи биттагина кўйлакни эгнидан ташламайдиган қишлоқ болалари уларни ўраб олиб шаҳарча уст-бошларига ҳавас билан қарашади, шаҳарнинг баланд бинолари, истироҳат боғларини, тоза, чиройли кўчаларини фақат экранлардагина кўриб яшаётган болалар шаҳарлик болаларнинг бу ҳақдаги ҳикояларини кўзлари ёниб тинглашади. Улар Майл Жексон ким эканлигини билмайдилар. Улар ёзги таътилларини шаҳар болаларига ўхшаб истиро-

лари куни билан банд бўлганлиги сабабли болага қарашлари керак.

Шунча иш орасида улар китоб ўқигани, бемалол болаларча ўйинлар билан шу-

боловлагани кўраётганмикин, китобни ўқий олмасдан йўқотиб, жавдираб турганидаги қалбидан кечган хис-туйгуларни унутмадимикин?


Аммо сир эмас, менинг

Оналар ёзади

гуллангани, телевизор кўргани вақт ҳам, имконият ҳам топа олмайдилар.

Улар ҳам катталарнинг зиммасига юклатилган «Тириклик» дебаталмиш оғир юкнинг бир қисмини ўз елкаларига олишга маҳкумлар.

Мен уларга қараб туриб юрагим эзилади. Қалбимда болалигимдан мерос бўлиб қолган ўша ўкинч пайдо бўлади. Эҳтимол бу ўкинч бола бўлиб «подшо» бўла олмаган, кўп нарсаларни орзу қилиб, аммо ушалишига имкон топа олма-



Ие, инглизлар ҳам ўзбекча (лотинча) ёзишаркан-ку.

Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.



«Ойнаш жаҳон» — болаларга



ДУШАНБА, 30 ноябрь.

Ўз.ТВ. 1-дастур.

9.35. «Олтин тоҷ» телевизор. 10.40. Кундузги сеанс. «Бувам, Килиан ва мен» бадий фильм. 12.05. Санъат олами. 18.10. «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2-дастур.

18.05. «Янги авлод» студияси намойиш этади.

Ўз.ТВ. 3-дастур.

18.10. «Ерілтош» мульттүплам.

Ўз.ТВ. 4-дастур.

16.50. Мультсайёра.

ЧОРШАНБА, 1 декабрь.

Ўз.ТВ. 1-дастур.

10.05. Янги алифбони урганамиз. 10.35. «Узбектелефильм» на-

мойиш этади. «Ватан туйгуси». 12.25. «Қишининг биринчи куни».

12.55. Кундузги сеанс. «Йул булсин» бадий фильм.

20.10. «Оқшом эртаклари». 21.05. Акс садо.

Ўз.ТВ. 2-дастур.

18.05. «Янги авлод» студияси намойиш этади.

19.15. Табият шифохонаси.

Ўз.ТВ. 3-дастур.

18.10. Болалар учун «Энди эр-

так бошланади».

19.15. Табият шифохонаси.

Ўз.ТВ. 4-дастур.

16.50. Мультсайёра.

ЧОРШАНБА, 2 декабрь.

Ўз.ТВ. 1-дастур.

8.50. «Мураббий» спорт дастури.

10.05. Алифбо сабоқлари.

11.35. «Мактублар — кабутарлар».

12.05. Акс садо.

18.10. «Омад юлдузи» телевизор.

Ўз.ТВ. 2-дастур.

18.05. «Янги авлод» студияси намойиш этади.

Ўз.ТВ. 3-дастур.

18.10. «Ерілтош» мульттүплам.

Ўз.ТВ. 4-дастур.

16.50. Мультсайёра.

20.45. Ҳайрли тун, кичкин-

тойлар!

ПАЙШАНБА, 3 декабрь.

Ўз.ТВ. 1-дастур.

11.00. «Топилмалар идораси» мультильм.

11.30. «Шоирлар — болаларга!».

12.45. Кундузги сеанс. «Интег-

рал» бадий фильм.

18.10. Усмирлар учун «Узурни-

нг бор».

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2-дастур.

18.05. «Янги авлод» студияси намойиш этади.

18.20. «Табият, гулум, ўйна».

Ўз.ТВ. 3-дастур.

18.10. «Ерілтош» мульттүплам.

Ўз.ТВ. 4-дастур.

16.00. Болалар учун «Камалак»

Ўз.ТВ. 4-дастур.

16.50. Мультсайёра.

ЖУМА, 4 декабрь.

Ўз.ТВ. 1-дастур.

10.05. Немис тили.

11.00. Кундузги сеанс. «Майса-

рининг иши» бадий фильм 1-

серия.

12.05. Орзулар қанотида.

12.30. Баҳс.

18.10. Болалар учун «Ҳикмат-

нома».

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2-дастур.

18.05. «Янги авлод» студияси намойиш этади.

18.20. «Ўйна, гулум, ўйна».

Ўз.ТВ. 3-дастур.

18.10. «Ерілтош» мульттүплам.

18.30. Табият шифохонаси.

Ўз.ТВ. 4-дастур.

18.50. «Кузмунчоқ».

20.15. «Биргаликда куйлаймиз».

ШАНБА, 5 декабрь.

Ўз.ТВ. 1-дастур.

10.10. «Шоҳруҳ клуби».

10.30. Қутиричоқлар тилга кир-

гандар.

10.50. «Шу ватанга бордур ме-

нинг керагим».

11.10. «Мен билган, билмаган дунё».

11.30. «Ўйла, изла, топ!» телев-

мусобақа.

12.55. Кундузги сеанс «Суюн-

чи» бадий фильм.

18.00. Мультолам.

19.55. «Оқшом эртаклари».</p

5

Мошина йулида яна бир-иккى арна учради-ю, кейин гойд булди. Гажиртоғ ҳам чап тарафда анча йироқлаб кетганга ушшар, шунинг учун ундан оқиб тушадиган сув-сөл йүллари ҳам бу ерларга етиб келмас эди. Ана энди кафтдек текис даштдан кетиб боришарди. Кабина устидағи түсікқа маңқамтандын байроқ ҳұлпираиди, четлари, тол-попукдек шипшиласи унга яқын утириб олган қыздару айрим йигитчаларнинг юзларига шап-шап урилади, буни күрган Эркин соң атайин унга афтини тутади, күлади, завәлланади ва йүлла чукурлар учрамаёттанинга ҳам шофөр сабабчидек уни мақтаб: «Ана бу юриш-юриш! Яшант, aka! Сизга ҳайкал қўйиш керак!» деб бақиради.

Бирок бу хурсандчилик узоққа чўзилмади: орқадан чанг булатини эргаштириб — тортиб келаёттган бир-иккита мошина ҳадемай булаарнинг ёнларидан зингиллаб ута бошлади: мошина борталаридаги болалар олдинга утаёттандарига қувониб қийқиришар, узларининг ҳайдовчилариға мадад беришар эди.

Эркинлар ҳам уз шофөрларниң биқининг «хала бергандай» қилиб қийқира бошлади. Ҳатто кабина томига муштлар тұша кетди. Бефойда: анави мошиналар утиб кетди. Аммо лекин бу дағы деганинг ҳам жуда кенг майдон экан-да: үрмалаб юрадиган мошиналарғаям жон кириб кетади-ёв.

Болалару қызлар, умуман, бу «белогриқ» мошина батамом чанг ичидә қолди. Яна йұталишлар... Энди сүкенишлар, ҳатто дод-вой... Мошина эса бунга сағи секинлаб, энди чироқларини екиб кетар, афтидан, орқадаги бошқа мошиналар ҳам атрофдан — қаердандир бириң-кетин олдинга утишмөқда эди.

— Бизлар ёш, бизлар бириңчи булишимиз керак-ку, Ҳамид? — деди Эркин байроқнинг утомонида пайдо булган йигитчага: у — Эркиннинг жұраси, уйла-ри ёзғи кинохона ёнида булғани учун кинохонада ётиб юрадиган безорилар билан тұқнашаверіб, муштлашишни үрганиб кеттан жуда марғ бола.

— Тұгри айтасан, биз бириңчи булишимиз керак, — деди у. Кейин орқасыга қараб, ҳамон уртада гүмбаз булиб утирган Камтар Облоқуловға бақыра қолди:

— Хой, муаллим, баққа қарамайсизма? Расво бүлдік-ку ахир!

— Тұхтатинглар машинани, — деди у киши, ниҳоят, қули билан ерни курсаттандай қилиб.

— Ҳа. Тұхтатинг мошинани!

— деб бақыра қолди Эркин кабина ёнидан әнгашиб. — Эштаяпсизма? Еки улардан үтказиб кетинг! Э, калла борма, aka?

Мошина таққа тұхтади. Шоғөр чиқиб, четта бориб чүнқайиб утири. Орқадан келаёттган бошқа бир-иккита мошинаям түзөн күтариб, бортидагилар қийқиришиб утиб кетиши. Болалар сүкенишар, қызлар қарғанар, аксари йұталар эди.

Эркин бирданында кабина биқинидан әнгашиб, тушиб кеттеган бир нарсаны оладигандек булиб, кабина ичига қаради. Назокат йиглаб утирган экан, Эркинни куриб, унга қуылдаги нишолда сурілгандай прянини узатди.

— Тепага чигиб утираман. Бу ерға чанг қамалиб бүгін ташла-

ди одамни...

— Э, бу ер баттар-ку? — деди Эркин прянини олиб. Сунг күнглида: «Праниги күп булса керак», деб үйлади-да: — Менам тушиб ённинг үтирайми? — деб суради.

— Ҳа, ҳа. Қе, құрқаяшпан, — деди ува Эркин шоғөрнинг жойидан утиб кирадигандек эшик томонга сурildи. Эркин бирдан оғзини кузов түсигидан ошириб, пастта осилиб тушди. Шоғөргө әмон қараб:

— Э, мошинаныз... арава экан, макулатурага топшириш керак, — деда уловнинг түмшугидан айланып үтди. Эшикни очиб, Назокат: — Сурал! — деб зинага чиқди.

пагай у) ухшаган узига хос «муштумзүр» ҳам булса керак.

Табиийки, Эркинга ухшаган ҳам...

Ниҳоят, арава-мошина ҳам жилди ва ҳадемай равон учыб кета бошлади. Гажиртоғдан эсіб турған шабада чанг-түзөнни унг томонга суреб кетиб, бепоён дашт яна намоён булди: ҳавода губор йүкдек, болаларнинг ҳам күнглидеги гина-кудурат тарқаб кеттандек эдики, узаро гап-сүзлар ҳам шу ҳолатни ifoda этар эди.

— Нозик, бир ашупа айтмайсан-ма? — деб қолди Эркин.

— Вай, — деди қыз четта тортилиб. — Эсинг борма? Уят булади-ку?

ухшаш гүппичопони киссасидан янги прянник олди-да, тили билан оқини ялай бошлади.

Эркин кулиб, ҳудди өкимли күй шаштандай қимирлаб қуиди.

— Қариндошмисизлар?

Эркин шоғөрга чучиб қараб (Назокат ҳам соқоли үсік, күйлагининг әқаси кир булиб кеттеган хайдовчига қаради), уннинг чанғи артилмаганидан киприклари оқараб, қорачиги йилтираб турған күзларда анави Гулмуроднинг нимасинидир күрди. Қовоги солишиб кетиб:

— Ҳа, — деди. — Яна саволлар борма?... Йүлингизга қаранг. Ҳар ким үз ишини қилиши керак. Сиз... үф-үф, орқада қолиб кетдик.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

БҮРКИ



Шунда кузов четида қызларға үшшаб кунишибиғина утирган, аммо буйи ҳам, жүссаси ҳам ҳаммадан катта, «бева» лақаблы Гулмурод кабинага ишора қилиб, Эркинга күз қисди. Эркин бирдан қызлар олайиб: — Пикринг бузук сен беванинг! — деди. — Ҳамид, сол!

Ҳамид сергак турған экан: Гулмуроднинг биқинига мушт солди. Гулмурод ингичка овозда чийиллаб қолди.

— Хе, құлғынанг синсин, безори!

— Ким безори, ким? — Гулмуроддан иккі қаричлар паст булған Ҳамид үрнидан иргиб турди. — Мен безориларнинг додини беріб юрибман-ку, сұтак!

— Узинг сұтак.

Ҳамид уннинг қисиб турған ел-касига тағын бир мушт тушириди. Гулмурод йиглаб юбориб, Камтар Облоқуловға вайсай кетди:

— Хой, муаллим, мунингизга қарамайсизма? Бирорнинг бала-синаи үлдириб қуяды-ку?

Гулмурод беванинг қилиқла-риға ҳам, аёлча овозиу сузларига ҳам куладиган синфдошлар яна кулиб юбориши. Гулмурод қараб тұрса, Облоқулов ҳам пик-пиқ этиб кулаёттиби. «Хе, садқай ма-аллім...» дега ҳеч нарса бұлмағандай олдинга қараб олди: ҳа, күпчиликнинг фикрича, унга калтак үтмайди.

— Э, барыбір күрдім, — деди Эркин. — Э, муни қандай қилиб ейсан? Тош-ку — бу!

— Муни... менға бер. Йүк, узимдай бор. — У эгнидаги мұрсакка

— Нимаси уят, нимаси? — бүшкелмади Эркин, гарчи Нозикнинг бу ерда ашупа айтишининг қизиги йүклигини фақылған булса ҳам. — Яхши булади. Хиргой қилиб дегандай... Эй, пахта ҳақидаги ашупаларни биласан-а?

— Биламан. — Табассум қылды Назокат.

— А-а, бу одатинг яхши, — деди йигитча. — Пахта — бизнинг милиций гуруримиз. — Кейин бирдан чимирилди. — Асилбай ака: «Экки нұрма терасан», деди менға. Қийинми, а, пахта териш? — Тагин қызишиб кетди. — Түти апам ҳам: «Белогри нималигини биласан», деди. Қызы! Йигитмиз... Ҳадемай камсамол бұламиз. — У Назокатта тикилди. — Сен камсамолға үтасанма?

— Албатта, — деди у. — Лекин ешман-да... Сен үтсанғ булади. Еш булсанғам булаверади.

— Тұгри айтасан. Теримдан кейин арза бераман... — У құлғидаги намланған, оқ бүёги кеттеган прянини курсатди. — Бунта тиши үтмайди-ку? Нима, сенини — әшқаштыши? Қани, күрсат.

— Э, құйсанғ-чи, — деб тағын нари сурелди Назокат. Шунда уннинг гуручек тишиларини күрди Эркин. Назокат эса буни пайқаб, қафти билан оғзини ёпди.

— Э, барыбір күрдім, — деди Эркин. — Э, муни қандай қилиб ейсан? Тош-ку — бу!

— Муни... менға бер. Йүк, узимдай бор. — У эгнидаги мұрсакка

— Нозик? Анави Асилжон ака бүлганида, бошқаларни олдинга үтказмасди. Биламан, айғир отта үшшаб олдинга үтган отнинг думини тишиларди. Ҳа-ҳа-ҳа... — Кейин Назокат сұраб қолди: — Биласанми, нима учун укишини «Асилжон», деймиз.

— Йүк, айта қол, айт, — деб ялинді қызча.

— Ҳамид чапқұлди биласан, арипметикадан «уч» олсаям дүпписини осмонга отади. Уттан йили «екки»дан боши чиқмади. «Кейин менға: «Нима қиласай? Арипметика керакмас менға, баксөр бұламан», деди. Биз экков хүп үйлаб, бирта йүл топдик. — У бирдан шоғөрга ола қаради. — Нимага әштияпсиз?

— Э, тавба, — деб олдинга қаради шоғөр.

— Шундай бұлсін. Энди... бир йұла улардан орқада қолиб кетмайлик. Жиндибулқ әхе қаерда! — Яна Назокатта үзләнді. — Муаллимді құрқтадиган булди. Ҳамид... Қүзингиди үйнатма! Айб Очилдиевда! Бечора Ҳамид ким-кимнәрдан күчириб, масаланы ёдлаб борсаям, «екки» қүярди, тұнка. Гапини қайтариб ташлар әдіда... Бир нима демоқчимисан? Жим үтір... Бұлмаса, айтмайман.

— Йүк-йүк. мана, жим үтірдім.

— Муаллим кечаси сув боғланған экан богига. Экинларига. Жуда пишиқ деңқон у... Детдомга борса, Рустам ака билан нүкүл

Киссахонлик

экін-текиндан гаплашади... Хулласи де, Ҳамид домланинг девори остидан үтадиган ариқ буйиде ётиб пойлапти. Назматак күп! Кейин, сувни боғлабди бошқа ариққа. Бир маҳал қараса, Очилдиев фонар күтариб келаёттаниши. Қулоқнинг бошита кепти. Емон сүкенинти. Кейин сувди ағдараеттган экан, Ҳамид овоздини үзгартыриб: «Балаларға «екки» қўйма. Балаларга «екки» қўйсанг, оғзинг қийшиқ булиб қолади», депти. Тамом... Очилдиев: «Во, отажон!» деб бақириб юборипти. Бир палла отаси ҳасасини дуқиллатиб кеп қопти. «Ҳа, Асалжон, нима булди?» дермиш. Асалжон... Э, Асалжон шайтонлаб ётганиши...

— Емон, — деди бирдан ингичка қошларини чимириб Назокат. — Муаллимді масхара қилиш яхшима?

— Үзиям ахир... — Эркин қизининг кўзларидан ёш кўриб, шошиб қолди. — Хуп-хуп. Булди! Дарров йиги...

— Сен Ҳамиддан урганяпсан... — деди у.

— Нимани-нимани?

— Гулмурод беванинг урдирдиг. «Сол!» дединг-ку? У бечора...

— Назокат бурнини тортиб, олдинга бөкди. — Бахтсиз у... — Қизик, Назокат Гулмуроднинг гапини айтадигандек эди. — Унда айб йўқ. Бир айби — қызларга үшшаб кетади. Бунгаям апала-ри сабаб булган. Етти аласи бор экан. Бари кашта, йўрма тикар экан. Бу шурлик ҳам тикиши үрганиди. Уларда қапириши үрганиди. Шундай буп қопти... Узи йиглаб айтаб берди.

Эркин бирдан жиддий тортиди.

— Да, булиши мумкин.

— Менинг раҳмим келади бечорага.

— Мениям... раҳмим келаяпти... Бүпти. Балаларга айтамиз, ҳеч ким уни урмайди.

— Сен ҳам урма.

Эркин бирдан хиринглаб кулди.</

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, kattakon bir o'rmon bor ekan. Shu o'rmondagi qayrag'ochlar ostida bir maktab bor ekan. Unda Moshvoy degan mu-shukcha, Qag'-qag' degan qarg'acha, Dik-dik degan ismli quyoncha, nomi Chiy-chiy sichqoncha, Pi-pi degan may-muncha va boshqalar o'qisharkan.

O'qish boshlangan kuni Tovusxon degan juda xushfe'l, mu-loyim bir o'qituvchi ularda kitob va daftarlari ulashibdi—da: «Kitoblaringizni yirtmasdan, yaxshi saqlanglar. Chunki bu kitoblarni sizdan keyin ukalaringiz ham o'qishadi, — debdi va yana qo'shib qo'yibdi, — kimki kitobini yaxshi saqlasa,

ozoda tutsa, o'quv yili oxirida o'shangi mukofot ham beramiz».

Ular kitob va daftarlarni sevinib-sevinib olib ketishibdi-da, o'rtoqlariga, aka-opalariga, bobolari bilan buvilariga ko'z-ko'z qil-

muqovasini qiyma-qiyima qilib-di.

Bir chekkada ularni kuzatib turgan Xur-xurham maqtanib qolibdi: «Mana bu

MUKOFOT

ishibdi.

Oradan ko'po'tmabdi. Bir kuni Chiy-chiy Pi-piga maqtanib: «Mana bu yerlari kraxmal bilan yopishtirilgan ekan. Yeb ko'rsam, biram mazaki», — debdi muqovalari yirtilgan kitobni ko'rsatib. Pi-pi ham shunaqamikan-a? — deb kitobning

ko'ringlar,

— loy bo'lib ketgan kitobini ko'rsatibdi u, — ko'lmakda varaqlab-varaqlab o'qib yotsam, ichida botinka, piyoz, sholg'om, kartoshka yana allanarsalarning surati bor ekan, hammasini chaynab-chaynab yedim».

Pi-pi ham qiziqib ketib, kitobdag'i barcha suratlarni burdaburda qilibdi. Qag'-qag' ham

«ХЛОПУШКА» ҚАЧОН ТАҚИҚЛАНАДИ?

Салом, «Тонг юлдузи!».

Мен сенинг ҳар бир саҳифангни ўқиб бораман. Унда эълон қилинган айрим ўқувчиликнинг оху зорларини эшитсан юрагим эзилиб кетади. Айниқса, ўқувчиларга шарт-шароитлар яратиб берилмаганидан. Ammo айрим ўқувчилар шунга лойиқми? — деган савол туғилади.

Мен Қашқадарёданман. Ҳозир Тошкентдаги Нафис санъат лицейида ўқийман. Яқинда уйга таътил беришди. Тошкентта қайтиш учун биз Қарши шоҳбекатида поезд кутиб тургандик. Шу пайт дадам менга: «Кўраяпсанми? «— дея ўзим тенги у ёқдан — бу ёққа чопиб юрган ўқувчиларни кўрсатди. Курдиму, ҳайратдан қотдим... Оғзида сигарет, қулогига плейер тақиб олган бу болалар заҳарли модда аралашган панқиллоқни («хлюпушка») тутатади-ю, йоловчилар жам булиб турган жойга отадилар. Ана шу пайт биронтасига тегиб кетса борми?...

Мактублар қутиси

Бунинг оқибати нима бўлади? Бу билан уларнинг иши йўқ.

«Тонг юлдузи!», Ахир юртбошимиз таъкидлаганидек, Узбекистоннинг келажаги бизлармиз-ку! Бу болалар шоҳбекатда йоловчиларга панқиллоқ отиш ўрнига уйда китоб ўқиса бўлмасмикан? Мен шоҳбекатда қарийиб 40дан ортиқ милиция ходимларини курдим, лекин улар бепарвоник қилмаяптими? Белгили машинага миниб олган бу ходимлар фақаттинга автомобилни эмас, ахир давлатимизни, тўгрориги, бизни ҳам муҳофаза қилиши керак-ку!?

Азиз газетам, сендан илтимос, мақоламни кейинги саҳифаларингда беришингни сўрайман. Токи, шоҳбекатдаги уша безори тенг-қурларим милиция ходимлари, ота-оналар, ўқитувчилар ўзига тегишли хулоса чиқариб олсинлар.

**Жамшид ТОШҚУЛОВ,
Алишер Навоий номли Нафис санъат
лицеи.**

bo'sh kelmabdi. Olcha, gilos, baliq, yong'oq, jo'xori rasmalarini cho'qib kitobini ilmateshik qilib tashlabdi. Ba'zi betlarini yirtib, qush yasabdi. Tumshug'ini siyohga tiqib, kitob betlariga turli-tuman rasmalar chizib chiqibdi.

O'quv yili tugashi bilanoq Tovusxon o'quvchilardan kitoblarni yig'ib olibdi. Chiy-chiy bilan Pi-pidan ham, Qag'-qag'dan ham juda-juda xafa bolibdi. «Kitobni shunday ahvolda tutish yaxshi emas», — debdi.

Ammo Moshvoy bilan Dikdikdan xursand bo'libdi. Ularni hammaga maqtabdi. Chunki ular kitoblarini yirtmay, kir qilmay, ozoda saqlagan, yaxshi tutishgan ekan. Tovusxon quvonib ketqanidan Dik-dikka bitta sabzi, Moshvoysi esa issiqqina bo'g'irsoq mukofot beribdi va suratlarini katta qilib oldirib, namunalilar qatoriga ilib qo'yibdi. Keyin ota-onalariga rahmatnomasi ham yozib yuboribdi.

Ne'mat TOSHPO'LAT

8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни



«Дунёни етаклаб юрар бир куни
Сенинг бағрингдаги
митти келажак...»

Икки яром минг йиллар муқаддам ҳиндулар «покта-пок» уйинини ўйнашган. Яъни улар каучук шарларини баланд жойларга маҳкамланган ёгоч гардишларга ирғитиб туширишган. Шарни қўл билан ушлашга рухсат берилмаган, у фақат тирысак, тизза ва бўкса билан ўйналган. XVII-асрда Русияда ҳам коптоқни осма саватта ташлаш уйини булган. Агар буларни «ибтидоий баскетбол» деб атасак, ҳозир биз билган баскетбол 1989 йили АҚШдаги колледжлардан бирида вужудга келган ва уша ерда инглизча «корзина» ва «тўп» сўзларидан «баскетбол» атамаси келиб чиқсан. Илк баскетбол тўплари ҳозиргидек турли ҳалқага эмас, балки шафтоли териладиган саватларга ташланган.

Одамлар горларда, унгурларда яшаган ибтидоий даврларда ёқ тусишига мойил булиши



лан. Балет эса XVI асрда пайдо бўлган Ушандаги Италиядаги утадиган карнавал — халқ сайларида қувноқ рақс томошалари кўрсатилган. Балет уша томошалардан бошланган. Дастрлабки ҳаваскорлар, сўнг масхарабоз актёrlар ва ниҳоят ўз ишининг устаси бўлмиш ҳақиқий актёrlар балет артистларига айланышган. Аста-секин хатти-ҳаракатлар ҳамда имо-ишораларни ифодаловчи сўзиз «сўз»лар вужудга келган ва улар ҳанузгача сақланиб қолган. Ҳозирги замон гимнастикаси ва акробатика устаси

лари қуллайдиган кўплаб ҳаракатлардан ҳам кенгфойдаланишади ва шу билан ўз «талаффуз» имкониятларини кенгайтиришади.

Суюқ ёнилғилар одатда чироқ ўрнига ишлатилган. Лампа ўсимлик ёғи, нефть, керосин ёрдамида ёқилган. Утган асрнинг биринчи ярмида Англиядаги ҳосил қилинган бензиннинг иси ёқимсиз, бунинг устига портлаб кетиш хавфи булганидан ундан лампа ёкишда фойдаланилмаган. У билан асосан кийим-кечакларнинг доддуги тозаланган, холос. Автомобиль ихтиро қилинганда эса бензин қанчалик зарур ёнилғи эканлиги маълум бўлади. Уни ишлатиш шу қадар кенгайиб кетди, бензин тобора тақчиллашаверди. Эндиликда автомобилларни юргизишда турли-туман суюқ ёнилғилардан, масалан, нефть, тошкўмир, ҳатто ўсимликлардан олинадиган суюқликлардан фойдаланилмоқда.

ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир: УмидАБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЬАТИ:
Йўлдом САЙДЖОНОВ, Омон
МАТЖОН, Гулнора ЙУЛДО-
ШЕВА, Ҳотам АБДУРАЙМОВ,
Инқилоб ЮСУПОВА, Даҳаҳон
ЁҚУБОВ, Иноят АБДУСОА-
ТОВА, Суннатилла ҚУЗИЕВ,
Мукаррама МУРОДОВА, Феруза
ОДИЛОВА.

«ЁШИҚТИСОДЧИ»
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР.
Музаффар ПИРМАТОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Маҳлиё МИРСОАТОВА,
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

IBM комп'ютерида терилиди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-0606. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишига топшириш вақти 19.00. Топширилди — 19.45. Навбатчи София Мухаммаджонова.

Рўйхатдан утиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-йи.
Нашр курсаткичи: № 64563
Телефон:
1-33-44-25
1-36-57-91
1-36-54-21
